

Хабар

20
(817)-son

16-may

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan



Hewlett-Packard (HP) kompaniyasi olimlari kompyuter sanoati tarixida ilk marotaba elektr zanjirining axborotni juda uzoq vaqt saqlashga mujjalangan muqobil baza elementi — memristor («memory resistor» — хотира резистори)ни ishlab chiqishdi. Olimlarning suzlariga qaraganda, memristorlar asosidagi yangi хотира e'qilganda yuklanish talab qilmaydigan kompyuterlar yaratish imkonini beradi. Bunday хотира elektr ta'minotidan uzilganda ham kompyuterdagi axborotni saqlay oladi, ma'lumotlarning uzoq muddat ijqolmasdan bir me'yrda turishini kafolatlaydi. Mutaхassislar bu yangilik hozirgi an'naviy хотира qurilmalari urnini egallashi mumkin deya munosabat bildirishgan.

Ушбу сонда

BEST SOFT – UZBEKISTAN 2008
хамда **Дастурчиларнинг**
миллий форуми

2-бет

Тадбиркорларга
имкониятлар

3-бет

Эхтиром

4-бет

Любитель родину –
дело чести

6-бет

Компютер
сабоқлари

11-12-бетлар

Инновацион
технологиялар –
давр талаби

13-бет

Кичма кубок
“Наманган Телеком”да

15-бет

ИХТИРО

Е-НУЈЈАТ
система электронного документооборота

ХИМОЯЛАНГАН
Е-НУЈЈАТ ТИЗИМИ

Уни жорий этиш
хориж тизимларидан беш баравар арзон

Республикамызда алоқа соҳасини ривожлантириш, аҳолига ахборот хизмати кўрсатиш сифатини ошириш, ахборот хавфсизлигини таъминлашда алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассислари томонидан тақдим этилаётган ихтиро ҳамда рационализаторлик тақлифларининг ўрни бекиёс. Ана шундай истикболли янгиликлардан бири — Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази бош илмий ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор Пўлат Ҳасанов, ФТМТМ директорининг биринчи ўринбосари, техника фанлари номзоди, доцент Рихис Исаев, марказ лаборатория бошлиқлари Маҳмуда Назарова ҳамда Ойдин Аҳмедова, тадқиқотчи Хислат Ҳасановлар ҳаммуаллифлигидаги “Криптографик коммуникация, аутентификация ва махфий калитлар генерациясининг диаэкспоненциал тизимини яратиш усули” ихтиросидир.

5-бет




Кенг қамровли
сугурта хизматлари

телефон: (+998 71) 173-80-06, факс: (+998 71) 173-80-06



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

JUMADAN —
JUMAGACHA

✓ Президентимиз Ислom Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилинган ушбу умумхалқ байрами мамлакатимизда кенг нишонланди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов 10 май куни Оқсаройда "Korean Air" авиакомпанияси раиси Янг Хо Чойни қабул қилди.

Оқсаройда бўлиб ўтган суҳбат чоғида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" билан "Korean Air" ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримов 12 май куни Оқсаройда Корея Республикаси Бош вазири Хан Син Су ҳамда 13 май куни Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳасан Вираюдани қабул қилди.

Мулоқотлар чоғида ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ Пойтахтимизда 12 май куни Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамда 13 май куни Ўзбекистон ва Индонезия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

✓ Тошкентда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш ва фермерликни ривожлантириш масалаларига бағишланган форум ўтказилди.

Форумда фермер ва тадбиркор аёлларнинг билим ва малакасини ошириш учун зарур дастурлар яратиш, жумладан, махсус кредит дастурлари лойиҳасини ишлаб чиқиш каби масалалар юзасидан тақлифлар билдирилди. Фермер хўжалиқларига сервис хизмати кўрсатиб келаётган мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга оид режа ишлаб чиқилди.

✓ 14 май куни "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислom Каримовнинг "Юсак маънавият — энгилмас куч" китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди. Унда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши аъзолари ва фаоллари, атоқли олимлар, файласуфлар, таълим-тарбия, адабиёт, санъат ва маданият намоёндалари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

✓ Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида "Автоолам маликаси-2008" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда барча шартларни муваффақиятли бажарган пойтахтимиздаги 126-мактаб директори Хидоят Мадаминова танловнинг мутлақ голибаси деб топилди ва ҳомийлар томонидан компьютер билан тақдирланди.

Кеча пойтахтимиздаги "ЎзэкспоМарказ" кўргазмалар залида дастурий маҳсулотларнинг анъанавий «BEST SOFT — UZBEKISTAN 2008» миллий кўргазмаси ҳамда дастурчиларнинг миллий форуми иш бошлади.



BEST SOFT — UZBEKISTAN 2008 ҳамда ДАСТУРЧИЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ФОРУМИ

Республикаимиз ахборот технологиялари бозорининг юқори суръатларда ўсиб боришида дастурий маҳсулотлар соҳасининг ҳам ўрни беқиёс. Ушбу соҳани ривожлантиришга иқтисодий сиёсатнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралиб, мамлакатимиз Президенти Ислom Каримов қарори билан дастурий маҳсулотлар тайёрлашга ихтисослашган корхоналарга маълум даражада солиқ имтиёзлари белгиланган. Бу Ўзбекистон дастурлаш бозорининг сон ва сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада ошишига асос бўлмоқда. Дастурий таъминот ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган корхоналар сони доимий равишда ошиб борапти, лицензияланган дастурий таъминотдан фойдаланиш даражаси ва дастурий маҳсулотлар бозор ҳажми каттармоқда, сертификатга эга дастурчилар сони ўсмокда. Куннинг муҳим тадбирларига бағишланган ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида маълумот бериб ўтилди.

Шундан сўнг дастурчиларнинг биринчи миллий форуми очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаев, Вазирлар Маҳкамасининг ахборот тизимла-

залар ўқилди. Иштирокчилар ҳар бир мавзу юзасидан қизғин муҳокамага киришдилар.

Дастурий маҳсулотларнинг «BEST SOFT — UZBEKISTAN 2008» миллий кўргазмаси очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов иштирок этди.



– Ўзбекистоннинг ахборот технологиялари бозори ҳажми бир меъёрда тараққий этмокда, – деди соҳа раҳбари. – Ушбу жараёнда дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи компаниялар ҳам муҳим ўрин эгалламоқда. Давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилганлиги сабабли дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи компаниялар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Сўнгги 3 йил мобайнида фаолиятини муваффақиятли олиб бораётган компанияларнинг ўсиш суръати 1,6 баробарни ташкил этиб, ҳозирги кунга келиб уларнинг сони 215тадан ошиб кетди. Республикаимиз дастурий маҳсулотлар бозорининг ҳажми қарийб 21 млрд. сўмни ташкил этмокда.



ри ва телекоммуникациялар масалалари Ахборот-тахлил департаменти мудири А.Эшонхўжаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати И.Саифназаров, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва бозорини ривожлантириш бўлими бошлиги Ф.Агзамовлар сўзга чиқиб, форум иштирокчиларига муваффақиятлар тилашди. Форумнинг биринчи иш кунини "Ўзбекистонда ЭРИни ривожлантириш масалалари", "MS Windows Vista ва MS Office 2007ни ўзбек тилига локаллаштириш тажрибаси", "Open source муҳитида дастурлаш тажрибаси ёхуд Dorpp дистрибутивининг йиғилиши", "UzCDL тестлари ёрдамида компьютер билимлари ва кўникмалари даражасини ошириш" каби мавзуларда маъру-

хассисларни тайёрлаш даражаси ва сифати ўзгармокда, ушбу йўналишда бир қатор ўқув марказлари фаолият юритмокда. Дастурчилар томонидан яратилаётган маҳсулотлар иқтисодиётнинг барча соҳаларида иш сифати, унумдорлик, иқтисодий кўрсаткичларни янада юқори даражага кўтаришга ёрдам бермокда.

Бугун мамлакатимизнинг дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи компаниялари учун алоҳида эътиборли кун, – дея ўз сўзини давом эттирди А.Арипов. – Таъкидлаш жоизки, кўргазма илк бор ўтказилганига қараганда анча кенгайган, буни нафақат соҳа мутахассислари, шунингдек, кенг омма ўртасидаги қизиқишнинг катталигини ҳам билиш қийин эмас. Дастурчиларнинг миллий форуми ва Дастурий маҳсулотларнинг

«BEST SOFT — UZBEKISTAN 2008» миллий кўргазмаси иштирокчиларини табриклар эканман, ушбу кўргазма мамлакатда эришилган натижаларнинг намоиши ва дастурий маҳсулотлар соҳасида фуқароларнинг ахборотга эга бўлиш даражаси ошишида катта аҳамият касб этишини яна бир бор таъкидлаб ўтмокчиман. Уйлайманки, мазкур кўргазма му-

тахассислар учун дастурлаш йўналишидаги ютуқлар, келгусида олдимизда турган масалаларни муҳокама қилишда ўзига хос нуфузли майдонга айланади. Барча иштирокчиларга самарали меҳнатларида муваффақиятлар, ижодий ютуқлар ёр бўлишини тилайман.

Мазкур кўргазмада 2007 йилда 50га яқин компания иштирок этган бўлса, бу йил

60дан ортиқ компаниялар ўз имкониятларини намоиш қилишмокда.

– Миллий кўргазма ва форумни ўтказишдан кўзланган мақсад мазкур йўналишда эришилган ютуқларни намоиш этиш ва кенг жамоатчиликни бундан хабардор қилиш, мутахассислар ўртасида сўнгги натижалар юзасидан фикр алмашиш имконини яратишдан иборатдир, – дейди Ўзбекистон IT-Ассоциацияси ижрочи директори И.Абдуллаев. – Кўргазмада дастурлаш саноатига алоқадор қатор компаниялар, жумладан, маҳаллий корхоналар иштирок этишмокда. Бир жihatни алоҳида таъкидлаб ўтишим лозимки, кўргазма давомида ёш дастурчилар учун ўзига хос меҳнат ярмаркаси ташкил этилади. Унда ўз билимларини намоиш қила олган ёшлар маҳаллий корхоналарга ишга қабул қилинади.

Кўргазма ўтган йилга нисбатан янгина тус олди, деб бемалол айтиш мумкин. Унда яратилган дастурий маҳсулотлар фақатгина намоиш қилинмасдан, балки компаниялар учун кўргазма, давра суҳбатлари, амалий семинарлар, мутахассисларнинг ўзаро тўлақонли мулоқоти ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни муҳокама қилишлари учун шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, кўргазманинг бугунги иш кунини доирасида турли хил интерактив ўйинлар ўтказилади. "Дастурий маҳсулот — йил маркаси", "AT-таълим соҳасидаги энг яхши компания", "2007 йилнинг энг яхши лойиҳаси" каби номинациялар бўйича танлов голиблари аниқланиб, уларни тақдирлаш маросимлари бўлиб ўтади.

QAROR VA IJRO

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, миллий валютада савдо амалга ошириладиган интернет-дўконлардан фойдаланган ҳолда электрон тўлов тизимини ривожлантириш бўйича бошланғич лойиҳа сифатида «eKarmon» интернет-тўловлар тизими ишга туширилди. Миллий матбуот марказида ушбу масалага бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



eKarmon

Электрон тўлов тизимида янги лойиҳа

«eKarmon» тизимининг асосий жиҳатларидан бири, бу фойдаланувчилар электрон ҳамёнларининг юқори даражадаги хавфсизлигидир. Фойдаланувчилар тизимга кириш ва «онлайн» тартибда тўловларни амалга ошираётган чоғларида «Multisoft Solutions» компанияси томонидан тақдим этилган электрон рақамли имзоларни қўллашлари хавфсизлик гарови саналади.

Компания Ўзбекистон ҳудудида хўжалик субъектларининг амалиёт харажатлари қисқариши, қўшимча тармоқлар вужудга келиши ва янги иш ўринлари пайдо бўлиши ҳисобига бутун бозор ривожланиши ва кенгайишига имкон яратувчи электрон савдо

инфратузилмаси ривожига салмоқли ҳисса қўишишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Матбуот анжуманида «eKarmon» тизимининг қонунийлиги, ишончлилиги, кун давомида узлуксиз равишда, ҳафтасига 7 кун ва барча жойда ишлаш имкони мавжудлиги, шунингдек, қулайлик ҳамда ишчи кучи ва моддий ресурсларнинг тежалиши каби асосий устунликларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Йиғилишда «eKarmon» интернет-тўловлар тизими имкониятлари таништирилиб, тўловни амалга ошириш, тизимга пул маблағларини киритиш ва чиқариш технологиялари намойиш этилди ва журналистларнинг саволларига жавоб берилди.

BIR VILOYATDAN IKKI XABAR

АКМда СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона марказида «АКМ фондини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш», «Электрон ахборот қидирув ва ахборот хизмати кўрсатиш» мавзуларига бағишланган икки кунлик семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Машгулотларда вилоят ахборот-кутубхона маркази ходимлари — Наима Усмонова, Мехринисо Маматкулова, Насиба Холмуродовалар мавзу доирасида маърузалар қилишди. Семинар-тренинг қатнашчилари видеоларга орқали Москва шаҳридаги Пушкин номидаги марказий кутубхона жамоасининг китоб фондлари хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тажрибаси билан атрафлича танишишди.

Семинар сўнггида Термиз тибийёт коллежининг ахборот-ресурс маркази мудири Мавлуда Халилова ҳамда ҳарбий қисм кутубхоначиси Саида Мухаммадиевалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулохазаларини билдиришди.

ФАХРИЙ ЁРЛИҚ ТОПШИРИЛДИ

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ алоқа ходимларининг аъъанавий касб байрами муносабати билан бир гуруҳ соҳа ходимларини «Фахрий ёрлиқ» билан тақдирлаган эди. Улар орасида Учқизил почта алоқаси тармоғи оператори Шўхрат Қурбонназаров ҳам бор. У ўн йилдан кўпроқ меҳнат фаолияти мобайнидаги фидойилиги сабаб шундай эътиборга сазовор бўлди.

Куни кеча Шўхрат Қурбонназаровга «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «Фахрий ёрлиғи» тантанали равишда топширилди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Хабар»нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

ТАДБИРКОРЛАРГА ИМКОНИАТЛАР

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2008 йил 3 мартдаги «Лицензиялаш масалаларига доир очик эшиклар кунини жорий этиш тўғрисида»ги фармойишини бажариш юзасидан Агентликнинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси қатор тадбирлар ўтказмоқда. Яқинда Кўқон телекоммуникациялар боғламасида ўтказилган тадбир ҳам шунга мисол бўла олади.

Тадбирга келган 30 нафарга яқин тадбиркорлар вилоят ҳудудий бошқармаси, ДАИ вилоят бўлими, «Фарғона Телеком» филиали раҳбар ва мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Уларни кўпроқ давлат божлари, хужжатлар тизими, АТСларни ижарага олиш, банкдан кредит олиш тартиби, бунда филиал билан ҳисоб-китоб тартиби, ижарадаги АТСларни туман маркази билан уловчи линияларга ким хизмат қилиши каби масалалар қизиқтирди.

«Алоқа тараққиёти», «Фурқат таксофони», «Осиё марвариди», «Пумир» хусусий фирма ва корхоналари раҳбарларининг саволлари уларнинг соҳа ва соҳа талабаларини теран англаб етганликларини кўрсатди.

— Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги қарори, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги «Телекоммуникация соҳасида фаолият кўрсатиш ҳуқуқи учун давлат божи миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлиги ва Агентликнинг қатор буйруқ ва фармойишлари борасида тўлақонли тушунчалар берилганлиги айнаи муддао бўлди, — деди тадбиркор Адибахон Турсунова.

Тадбир Кўқон шаҳри ва шу гуруҳ туманлари вакиллари учун катта аҳамият касб этди.

Хафиза САЛЯХОВА,
«Хабар»нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

2008-YIL — YOSHLAR YILI

Фаолларга стипендия

«Ёшлар йили Давлат дастури»да белгиланган вазифаларни амалга ошириш ҳамда соҳа олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши ўз стипендиясини таъсис этган эди. Алоқачилар касб байрами куни ана шу стипендияга сазовор бўлганларга гувоҳнома топшириш маросими бўлиб ўтди.



— Стипендияга номзодларни аниқлашда уларнинг ўқишда, жамоат ишларидаги фаоллиги, илмий изланишларидаги муваффақиятлари, шунингдек, ижтимоий таъминланганлигига алоҳида эътибор бердик, — дейди Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси Шаҳноза Толипова. — Ниҳоят, 19 нафар талабгордан саккиз нафари танланиб, уларга бир ўқув йили мобайнида Марказий кенгашимизнинг стипендияси бериб бориладиган бўлди. Стипендия миқдори Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари учун республикамизда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари, алоқа коллежи ва академик лицей ўқувчилари учун эса бир ярим баробари миқдорда белгиланган. Ёшларимизни ижтимоий-иктисодий қўллаб-қувватлаш ўз самара-

сини беришига ишончим комил.

Шундай қилиб, Марказий кенгаш раёсатининг қарорига кўра, Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари — Нодир Эгамбердиев, Музаффар Шоназаров, Тошкент алоқа касб-хунар коллежи ўқувчилари — Зиёдилла Эргашев, Бахтиёр Ризаев, ТАТУ қошидаги Мирзо Улугбек номидаги академик лицей ўқувчиси Аббос Сатторов, ТАТУ қошидаги 2-сонли академик лицей ўқувчиси Саидазим Назировлар стипендияга сазовор бўлишди.

7 май куни Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Назаржонов бошчилигидаги касаба уюшмаси фаоллари юқоригидаги номлари тилга олинган ўқув юртларида бўлишиб, номзодларга гувоҳнома ва есдалик совғалари топширишди.

Ўз мухбиримиз

TADBIR

Инсон ҳаёт гултожи дейишади. У ўзидаги бор фазилатлари билан хурмату эъзозга сазовор зот. Айниқса, умрини эзгуликка, яхшиликка, юрт ривожига бахшида этган нуруний отахон ва онахонлар алоҳида эҳтиромга лойиқ инсонлардир.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида барча корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда аждодларнинг муқаддас номи хотирланиб, биз билан ёнма-ён яшаб ўзларининг бой тажрибалари билан республика мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган фахрийларга иззат-икром кўрсатилаётгани сабаби ҳам шунда.

Ана шундай тадбирлардан бири "Тошкент телеграф-телефон станцияси" филиалида ҳам бўлиб ўтди. Тадбирга алоқа соҳасида узоқ йиллар самарали фаолият олиб борган, ҳозирги кунда кексалик гаштини суратган фахрийлар таклиф этилдилар. Шу куни 300дан зиёд фахрийлар тўкин дастурхон атрофида дийдор кўришиб, дилдан сўхбатлашдилар, марҳум алоқачилар хотираси, эзгу ишлари ёдга олинди.

Байрам тадбирини филиал касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Дилшод Усмонов очиб, йиғилганларга узоқ умр, সিҳат-саломатлик тилади.

— Фахрийларимиз филиалимиз фаизи ва кўркидир, — дейди корхона директори А.Газиёв. — Уларни тириклигида қадрлаш, эъзозлаш, кўнглини олиш, дардига малҳам бўлиш йўлида кўлимиздан келган бар-

Эҳтиром



ча ишларни қилиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Айни пайтда 319 нафар фахрий рўйхатга олинган. Уларнинг сафи йил сайин ортиб бормоқда. Мазкур тадбирда ҳар бир фахрийга пул мукофоти берилди. Шунингдек, уларга ҳар чорак якунида, таваллуд кунларида моддий ёрдам бериш йўлга қўйилган. Филиалнинг бир гуруҳ ходимлари байрамга кела олмаганларнинг уйига бориб, уларни

муборакбод этдилар.

Фахрийлардан Н.Габрилянов, Р.Мирмахмудова, Ҳ.Ўрозов, К.Зоитовлар сўзга чиқиб, корхона раҳбарияти ва жамоасига кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдирдилар.

Маҳмуда АРИПОВА,
"ТошТТС" филиали
маънавий-маърифий
ишлар бўйича масъул
ходими

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

ҚУРИЛИШДА "БУРИЛИШ" БЎЛМАСИН

Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва ривожлантириш Дастурига мувофиқ мамлакатимизда қурилиш ишлари жадал суръатларда олиб борилаётган.

Афсуски, айрим кўштирноқ ичидаги қурилиш корхоналари томонидан амалдаги қонун ва норматив ҳужжатлар, қурилиш меъёрлари ва қоидалари талабларига риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётгани ҳам бор гап.

Жумладан, Тошкент шаҳар Давлат алоқа инспекцияси томонидан доимий ўтказиладиган мониторинг ишлари натижасида «Maorif Plus» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси тегишли рухсатномасиз 2007 йил 20 июнда «UNITEL» МЧЖ билан тузилган шартномага асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси, 2 "а" уй биносидан Фахмуддин Хўжаев кўчасидаги 16-сонли шаҳар шифохонаси биносига бўлган оралиқда электр устунлари орқали «UNITEL» МЧЖнинг уяли алоқа база станцияларига оптик-толали кабел тортиш ишларини олиб борганлиги аниқланган. Мазкур ишлар «Maorif Plus» томонидан экспертизадан ўтмаган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида амалга оширилган.


Қайд этилган ҳолат бўйича 2008 йил 25 февралда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 5-Л сонли буйруғи чиқарилиб, «Maorif Plus»га ЎзААА томонидан 2006 йил 23 январда берилган АА 0001301 рақамли лицензиянинг амал қилиш муддати ўн иш кунига тўхтатилган.

Таъкидлаб ўтилган камчиликларга йўл қўйган «Maorif Plus» фирмасига нисбатан ваколати доирасида чора кўриши учун Тошкент шаҳар прокуратураси ва Тошкент шаҳар Давлат солиқ инспекциясига тегишли маълумотлар тақдим этилган бўлиб, Юнусобод туман прокуратурасининг 2008 йил 15 февралда тасдиқланган «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш» ҳақидаги қарорига асосан «Maorif Plus» ХИЧТФ директориغا нисбатан «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 152-моддаси, 1-бандига асосан маъмурий жазо чораси қўлланилган. Ишга доир тегишли ҳужжатлар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиб, жавобгардан 130410 сўм миқдорда жарима ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низоми»нинг 48-бандига асосан «Maorif Plus» ХИЧТФга ЎзААА томонидан 2006 йил 23 январда маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига берилган (қайта расмийлаштирилган) АА 0001301 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2008 йил 10 апрелдан тикланди.

Бугунги кунда ҳўжалик юритувчи субъектларга давлатимиз томонидан турли енгилик ва шароитлар яратиб берилган. Ушбу имкониятлардан халқ манфаати йўлида оқилона фойдаланайлик!

О. БОБОКУЛОВ,
Давлат алоқа инспекцияси
қурилиш бўлими 1-тоифали муҳандиси



Тошкент ахборот технологиялари университетиди Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлашнинг аҳамияти ҳақида мураббийлик соатлари ўтилиб, факултетларда Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари билан учрашув-сўхбатлар ўтказилди ҳамда деворий газеталар чиқарилди. Университетда ишлаган ва ҳозирда нафақада бўлган 16 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, меҳнат фахрийлари ва байналмилал жангчиларга иззат-икром кўрсатилиб, байрам дастурхони ёзилди ва уларга пул мукофоти ҳамда совғалар топширилди.

8 май куни университет мажлислар залида "Хотира ва Қадрлаш куни"га бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Махсус факултет ва ҳарбий кафедрада ҳарбий марш ва турли спорт мусобақалари ўтказилди.

Д. НУРМУҲАМЕДОВА,
ТАТУ маънавий ва маърифат бўлими услубчиси

Шаҳидлар руҳи мангу барҳаёт

Қарши шаҳридаги Сайидо Насафий номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида шаҳар "Нуруний" жамғармаси, Қарши педагогика коллежи, халқ таълими бўлими ҳамкорлигида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб "Шаҳидлар руҳи мангу барҳаёт" мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

Сўхбатни вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Клара Дусёрова кириш сўзи билан очди.

Учрашувга таклиф этилган Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари — Надежда Царкова ва Аҳмад Жалиловлар фашизмга қарши жангларда Москва атрофи ва Сталинградда, Украина ва Беларусда, Шарқий Европа давлатлари ва Германияда, Узоқ Шарқда ҳаёт-мамот жангларда ватандошларимизнинг кўрсатган жасорати ва фидойилиги ҳақида ёшларга ҳикоя қилиб бердилар.

Қарши шаҳар "Нуруний" жамғармаси раиси Номоз Қувватов фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 63 йиллиги муносабати билан жойлардаги тадбирларда фахрийларга кўрсатилаётган эҳтиром ҳақида, қахрамон ватандошларимизни доимо қадрлаш инсоний бурчимиз эканлиги тўғрисида гапирди.

Талаба ва ўқувчилар уруш иштирокчиларининг суронли йиллар ҳақидаги ҳикояларини тинглаб, мусоффо осмонимизнинг тинчлигини авайлаб асраш, унинг қадрига етиш лозимлиги тўғрисида фикрлар билдирдилар.

Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган китоблар ва расмлар кўргазмаси ҳам намойиш этилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги муҳбири

IXTIRO

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикасининг миллий криптографик алгоритмларини яратиш, уларни такомиллаштириш ва ахборотни криптографик муҳофазалашнинг миллий дастурий ва аппарат-дастурий воситаларини ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 3 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида ахборотнинг криптографик муҳофазасини ташкил этишга оид чора-тадбирлар тўғрисидаги» 614-сонли қароридан биринчи галдаги вазифа қилиб қўйилганлигини ҳисобга олсак, мазкур иxtиро бу қарорнинг бажарилишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ахборот технологиялари ҳамда криптографик тизимлар учун мўлжалланган ушбу иxtиро зиммасига криптобардошли коммуникация ва аутентификация тизимини яратиш, махфий шифрлаш калитларини генерация қилиш ва алмашиш вазифаси юклатилган. Бу бежиз эмас.

Ахборот-коммуникация тармоқларидан интернет пайдо бўлганидан бошлаб, ахборот ўйирлаш, ахборот мазмунини эгасидан инсиз ўзгартириб ва бузиб қўйиш, тармоқ ва серверлардан берухсат фойдаланиш, тармоққа тажовуз қилиш, аввал қўлга киритилган узатмаларни қайта узатиш, хизматдан ёки ахборотга дахлдорликдан бўйин товлаш, жўнатмаларни рухсат этилмаган йўл орқали жўнатиш ҳоллари дунё миқёсида кўпайди.

Ривожланган давлатлар ахборот-телекоммуникация тармоқларида махфий ахборотларни хавфсиз узатиш ва электрон рақамли имзо яратишда ўз миллий алгоритмларидан фойдаланмоқдалар. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бир давлат бошқа бир давлатга ахборот-телекоммуникация технологияларини экспорт қилар экан, уларнинг ахборот муҳофазаси тизими етарли даражада пухталиққа эга бўлишига кафолат бериши мушкул. Чунки, хорижа экспорт қилинадиган дастурий маҳсулотларда миллий стандартлар қўлланилмайди. Бу ҳозирга келиб Ўзбекистон Республикасида миллий криптографик алгоритмларини яратиш ва уларни такомиллаштириш муаммоларини долзарб қилиб қўйди. Бу муаммони ҳал этиш учун, албатта, криптология фанини ривожлантириш лозим, зеро ҳозирги кунда бу ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги асосий йўлдир.

Криптология грекчада *kryptos* — «сирли» ва *logos* — «xabар» (ахборот) деган маънони англатиб, алоқа каналлари орқали ахборот хавфсизлигини таъминлаган ҳолда сақлаш ва узатиш тизимларини яратиш ҳамда таҳлил қилиш билан ушбу фан шугулланади.

Республикамизда ахборот ва коммуникация технологияларининг жадал суръатлар билан ривожлантиришини уларнинг хавфсизлигини таъминлашдан туриб амалга ошириб бўлмайди. Шунини эътиборга олиб, криптография соҳасини ривожлантиришга Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида ҳам катта эътибор берилди бошланди. Республикада биринчилардан бўлиб Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази қошида криптография соҳасини тадқиқ этишга мўлжалланган бўлим 2000 йилдан фаолият кўрсата бошлади. Илмий изланишлар натижасида 2002 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори профессор Пўлат Ҳасанов раҳбарлигида «Рақамли имзонини шакллантириш ва аутентификациялаш усули» номли иxtиро учун талабнома топширилди ва 2006 йилда бу иxtирого IAP 03070-сонли патент олинди. Бу мамлакатимизда криптография соҳасидаги илк ютук эди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республи-

касида ахборотнинг криптографик муҳофазасини ташкил этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш борасида марказимизда бир неча йиллардан бўён тегишли амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, — дейди иxtиро муаллифларидан бири, профессор Пўлат Ҳасанов. — Ўзбекистон Республикасининг «Ди-а-экс-пониенциал криптографик коммуникация, аутентификация ва махфий калитлар генерацияси системасини яратиш усули» иxtироси учун олинган IAP 03416-сонли патент бошлаган илк ишунининг давоми ҳамда ана шу

эътиборга олиб, модулнинг қуйи чегараси 256 бит этиб белгиланган, юқори чегараси эса чекланмаган, — дея сўхбатга қўшилди доцент Рихси Исаев. — Бинобарин, катта аҳамиятга эга электрон ҳужжатларга ва йирик пул маблағларига, тегишли жўнатмаларга ЭРИни шакллантиришда сенас калитли маромдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.


O'zDSt 1092:2005 стандартига асос қилиб олинган параметрли алгебрадан фойдаланиш кўпгина мавжуд ошқора калитли ЭРИ алгоритмларини такомиллаштиришнинг янги йўналишини очиб беради. Шунингдек, бу

дастлабки алоқа сеансида етарли бардошлиққа эга тўб модул асосида ошқора параметрли даражага ошириш функцияси ишлатилиб, дастлабки махфий шифрлаш калити генерацияланган, кейинги алоқа сеансларида ундан параметр сифатида фойдаланилиб, катта бўлмаган модулда махфий шифрлаш калитларини генерациялашга ўтилади. Бу криптолизим бардошлиқ ва тезкорлигини кескин даражада оширишга имкон беради.

Айни пайтда республикамизнинг турли соҳаларида, шу жумладан, солиқ тўлови тизимида, ахборот-коммуникация соҳаларида татбиқ этилаётган

ҲИМОЯЛАНГАН Е-НУҲҲАТ ТИЗИМИ

Уни жорий этиш хориж тизимларидан беш барабар арзон



илмий ишларнинг самарасидир. IAP 03070 ва IAP 03416-сонли патентларга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг криптография соҳасидаги дастлабки давлат стандарти O'z DSt 1092:2005 «Ахборот технологияси. Ахборотнинг криптографик муҳофазаси. Электрон рақамли имзонини шакллантириш ва текшириш жараёнлари» ишлаб чиқилди.

O'z DSt 1092:2005да ЭРИни шакллантириш жараёнига ЭРИнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашда бошқа хорижий стандартларда бўлмаган сенас калити тарбиботини киритиш билан ЭРИ сохталанилиб, уни ҳақиқийлигини тасдиқлаш ижобий натижа берганда ҳам унинг сохта эканини аниқлашнинг захиравий йўли назарда тутилган. Бу эса бардошлиқни ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази сенас калитли ($\chi=1$) маромда стандартга хос бўлган протоколлар асосида хизмат кўрсатишга тайёр бўлса, унда $\chi=1$ маромдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, бунда модул узунликлари 256-1024 бит оралигида бўлганда ҳам юқори тезлик ва бардошлиқлини таъминлаш учун етарли ҳисобланади.

Сенас калитидан фойдаланилганда O'z DSt 1092:2005нинг тежоралиги АКШ давлат стандартлари DSA, ECDSA, Россия давлат стандартлари ГОСТ 34.10-94, ГОСТ Р 34.10-2001га нисбатан юқори, бардошлилиги эса уларникидан кам эмас. O'z DSt 1092:2005нинг бардошлилиги сенас калитисиз маромда бир хил модуллардан фойдаланилганда DSAга нисбатан икки марта юқори эканлиги исботланган.

— Сенас калити нафақат ташқи бузғунчиларга нисбатан, балки ички бузғунчиларга нисбатан ҳам крипто-тизм бардошлилигининг юқори даражасини таъминлайди. Шуларни

алгебра криптоҳақил соҳасида ҳам ўхшаши бўлмаган янги, самарали криптоҳақил алгоритмларини яратишга олиб келиши алгебра муал-

Хорижий ҳимояланган электрон ҳужжат алмашув тизими ва E-Hujatнинг қийсий нархлари:

ҲЭХАТнинг номи	1000 та фойдаланувчига мўлжалланган тизимнинг нархи, (\$)	Бир йиллик техник қўлаб-қувватлаш (\$)	Ҳаммаси, (\$)
E-Hujat	~ 62 000	18 000	~80 000
Lotus Domino	400 000	40 000	440 000
Дело	200 000	20 000	220 000
jDocflow	200 000	40 000	240 000
DocsVision	180 000	18 000	198 000
Optima-Workflow	300 000	30 000	330 000
LanDocs	550 000	55 000	605 000
Directum	650 000	130 000	780 000
БОСС-Референт	800 000	160 000	960 000

лифлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ҳисоботларида келтирилган.

Дарвоқе, ошқора криптография бундан 32 йил муқаддам Диффи-Хэллман томонидан иxtиро қилинган. Унинг симметрик криптография амалга ошириши мумкин бўлмаган соҳалардан биринчиси электрон рақамли имзо бўлса, иккинчиси махфий параметрларни ҳимояланмаган алоқа канали орқали алмашишидир. IAP 03416-сон патентига мувофиқ, махфий калитларни генерациялаш тизимини яратиш ҳозирги кунда жаҳонда кенг фойдаланилаётган Диффи-Хэллман усулига асос бўлган бир томонлама даражага ошириш функцияси ўрнига махфий параметр билан даражага ошириш функцияси-дан фойдаланишга асосланган. Унда

ҳимояланган электрон почта Е-ХАТ ва ҳимояланган электрон ҳужжат алмашув Е-Нужатда мазкур патентга асосланган аутентификация ва махфий калитларни генерациялаш тизимидан фойдаланилмоқда. Бу тизимда ахборотларнинг махфийлиги ва бутунлигини таъминлаш механизмлари жорий этилган. Фойдаланувчи аутентификацияси учун аънанавий пароллардан ташқари фойдаланувчининг махфий калитларидан фойдаланилади. Бу эса бадният таҳдидчиларнинг тизимга киришига йўл қўймайди.

Шунингдек, ушбу иxtирога асосланган ҳолда ахборотни криптографик муҳофазалашнинг турли воситалари ҳам яратилмоқда. Ахборот хавфсизлиги ва криптология илмий-тадқиқот бўлимида яратилган электрон кулф ускунаси (EQU-1)нинг намунавий нусхаси шулар жумласидандир.

Иxtиро бўйича ишлаб чиқилган ҳимояланган электрон ҳужжат алмашув тизими (ҲЭХАТ) E-Hujatни жорий этишдан келадиган иқтисодий самара юқори бўлиб, у қуйидаги қийсий жадвалда намоён бўлади:

Жадвалдан кўриниб турибдики, хорижда ишлаб чиқилган ҲЭХАТнинг ўртача нархи — 471 625 доллар бўлса, иxtиро бўйича ишлаб чиқилган ҳимояланган электрон ҳужжат алмашув тизими E-Hujatнинг ўртача нархи — 80 000 долларни ташкил этади.

Патентга асосланган ҳимояланган электрон ҳужжат алмашув тизими E-Hujatни жорий этишдан келадиган иқтисодий самара юқори бўлиб, республикамизда ҳар 1000та жорий этилган тизимдан 471 625 — 80 000 = 391 625 доллар валюта иқтисод қилинади.

Бундан кўриниб турибдики, корхоналар учун E-Hujatни жорий этиш хорижий тизимлардан ўртача 5 барабар арзонга тушади. Бу ФТМТМ олимларининг машаққатли меҳнати самараси, албатта.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Каждый человек вкладывает в понятие Родина свое индивидуальное, для одного – что дом, улица, где прошло его детство, для другого – что природа родного края, для третьего – что люди, живущие рядом. Исторические и культурные ценности, обычаи, язык народа, великие предки – все это элементы необъятного понятия Родина.

1 сентября 1991 года Узбекистан стал Независимым государством. С приобретением независимости у народа изменилось представление не только о государственности, о своем социальном статусе, но и о доме, в котором он живет, о его Родине, Республики Узбекистан.

Многие выступления Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова содержат призыв к нам, жителям Узбекистана, по-новому осмыслить понимание Родины своего долга перед ней.

В порядочном человеке патриотизм, есть не что иное как желание трудиться на пользу нашей страны, и происходит не от чего другого, как от желания делать добро. Сколько возможно больше и сколько возможно лучше.

Естественно, для каждого человека чувство патриотизма подкрепляется у нас и от сознания того, чем нам дороже свободное отечество, свободных и равных людей, и ясного нашего долга перед ним.

После провозглашения Узбекистаном своей Независимости мы стали более уверенными к себе, более свободными, каждый ощутил себя неотъемлемой частью Родины. Говорят, что сила тепла патриотизма пропорциональна количеству вложенного личного труда на благо Родины. Это справедливое суждение. Тот кто по-настоящему любит Родину, во всех отношениях настоящий человек-патриот.

Чувство любви к Родине, интимное, индивидуальное, конкретно связанное с самой сущностью человека. Патриотизм неотрывен от духовного мира личности, глубины мысли, нравственного содер-



Любить родину — дело чести

«Чувство Родины, понятие Родины для нас должно быть священным, чистым и великим, как алтарь»

И.КАРИМОВ

жания, идейной направленности.

Долг – это священное чувство. Честь – что одно из струн своей души, при задевании которой отдрагается сама сущность твоего сознания.

Совесть – недремлющий страж твоих ощущений и чувств.

Достигнув государственной независимости, мы выбираем свой путь суверенитета и развития, а это надежный путь для Узбекистана. Как суверенное государство мы, прежде всего, должны рассчитывать на собственные силы.

Будущее нашего государства, судьба народа зависят от Конституции. Наш народ по этой Конституции является единственным источником государственной власти. Каждый человек, его жизнь, свобода, достоинство, честь и другие

Патриотические чувства народа, его стремление к свободе, к счастью находят воплощение в новой государственной символике независимого Узбекистана, которая приобретает священный смысл для каждого узбекистанца. Символы нашего государства – флаг, герб, гимн – вбирают в себя честь, гордость историческую память и устремление народов Узбекистана.

Верность отечеству – Родине, патриотизм, гражданское единство, международное согласие – вот та почва, на которой строится независимое Государство Узбекистан. Мы обязаны помнить подвиги наших отцов и дедов и учиться у них великим человеческим качествам: беречь Родину уметь, охранять и защищать ее.

К сожалению, нашлись изгои человеческого общества, международные террористы и религиозные экстремисты, которые не оставляют попыток свернуть нас с избранного пути, помешать нам интегрироваться в сообщество передовых, процветающих Государств, загнать нас в тупик, закрыть двери перед нашей молодежью, которой независимость открыла большие возможности для духовного и интеллектуального развития, вернуть нас в омут средневекового невежества. Наш народ никогда не останавливается на достигнутом. Он всегда шел и будет идти вперед, преодолевая трудности и препятствия. Таким образом, можно совершенно уверенно сказать, что руководство Узбекистана на государственном и международном уровнях принимает активные и действенные меры по защите своего народа от террористической угрозы.

Конституция Узбекистана – это документ большого политического, правового и международного значения.

Независимое Узбекское Государство – это историческое достижение нашего народа. Целостность и единство нашей страны обязаны беречь все, кто живет на ее земле и считает себя патриотом.

Патриотизм любого гражданина Узбекистана, та путеводная звезда – надежный компас, который указывает путь преобразований и не дает отклоняться от намеченной цели. Только пустые люди не испытывают прекрасного и возвышенного чувства Родины.

Наш многонациональный народ вместе со всем прогрессивным человечеством устремлен в будущее. Мы должны быть бдительными, всегда быть на чеку!

Ринат ЯФАРОВ, педагог
г.Бекобод

Исследование при изучении специальных дисциплин

Образование является неразрывной составной частью любого общества, показателем его культуры и прогресса. В качестве связующего звена оно обеспечивает единство и преемственность общественного опыта, духовно-нравственных и культурных традиций, развитие общества.

Педагогическая система профессионального образования характеризуется единством четырех компонентов: целей образования, состава преподавателей и учащихся, содержания образования и методов обучения. Когда же хотя бы один из компонентов педагогической системы входит в противоречие с социальным заказом, неизбежно ее реформирование. В то же время и меняется роль, функции, и организационные формы деятельности инженерно-педагогических кадров меняется в соответствии с новыми задачами, стоящими перед отраслью телекоммуникаций. Стратегия развития подготовки инженерно-педагогических кадров должно соответствовать меняющимся потребностям отрасли телекоммуникации, быть социально-приемлемой, при этом гарантировать высокое качество подготовки инженерно-педагогических кадров. Поэтому, проблема профессиональной подготовки инженерно-педагогических кадров является междисциплинарной и, следовательно, предполагает системный подход в организации проведения педагогического исследования. На сегодня при решении этой проблемы педагоги и ученые встречают

ряд трудностей в организации и проведении экспериментальных и прикладных исследований. К ним относятся отсутствие единого методологического подхода в исследовании междисциплинарной интеграции и межпредметных связей в профессиональном обучении. Не менее сложной представляется проблема реализации принципа междисциплинарной интеграции и межпредметных связей в современных педагогических технологиях, профессионального обучения. И, наконец, специального исследования заслуживает проблема готовности преподавателей формировать системность знаний студентов, развивать умения студентов, формировать и использовать межпредметные знания в процессе профессионального обучения.

Необходимо учесть, что некоторые проблемы порождены объективными противоречиями, носящими диалектический характер. Например, противоречие между процессом интеграции и дифференциации научного знания преодолевается в процессе развития науки инвариантного межнаучного знания. Особого внимания заслуживает диалектическое противоречие между целост-

ностью и системностью профессиональных знаний и умений специалиста и предметностью содержания образования и обучения. Формирование целостности и системности профессиональных знаний специалиста в условиях предметности профессионального обучения должно осуществляться на принципе междисциплинарной интеграции и межпредметных связей. Разработка методики и технологии формирования внутрипредметной связи и межпредметной интеграции профессионального обучения «Касб таълими» (Телекоммуникация) является одной из актуальных задач подготовки специалистов указанного направления. Исследование формирования профессиональных знаний и умений студентов будет более успешным, если: профессиональное обучение и его организация будут осуществляться на принципах интеграции содержания с опорой на образовательный стандарт и модуль специалиста бакалавра телекоммуникации структурно-функциональной модели процесса формирования внутрипредметной интеграции будет спроектирована с учетом специфики профессионального обучения специалистов в отрасли телекоммуникаций и будет воспроизводит характеристики целостного образовательного процесса.

Д.Зарипова,
магистр ТУИТ

Уважаемые жители города Ташкента!

Предупредить пожары и не допустить кражу вашего имущества вы можете путём оснащения мест его хранения, охранно-пожарной сигнализацией и сдачей под охрану. В этом вопросе Вам, окажут активную помощь Отделы охраны при Районных управлениях внутренних дел, по месту вашего жительства и разъяснят вам стоимость оборудования объектов и их охраны.

Телефон для справок: 233-01-44, 233-37-83, 234-01-69.

Хабар +tv

ОТРАСЛАТОН

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ӯзбекистон!»
7.00 «Йиллар»
7.05 «Йили тақдир». Т/с.
7.45 «Йилги наволар»
8.00-8.45 «Тахлинома»
8.45 «Олтин мерос»
8.50 «Ҳ» Т/с.
9.30 «Йиллар»
9.35 «Ӯзбекистон табиати»
«Болалар сайраси»
9.55 «Болалар дуниси»
10.15 «Картшокалар ва аждарх» М/с.
10.35 «КиноТеатр»
11.00 «Абзор»
11.15 «Анечк ёлгон». Т/с.
11.50 «Ортин буйлаб» дастури:
«Ҳуллар жозибаси»
12.00 «Ассалом, Ӯзбекистон!»
13.00 «Йилги»
13.10 «Хаман ёлгонда...»
13.50 «Олтин мерос»
14.00 «Абзор»
14.20 «Олам ва одам» дастури:
«Кўшлар ҳақида ҳақиқат»
15.10 «Ватанпарвар»
16.02.2008 йил: Ёшлар йили. «Менинг унарсотим!»
16.20 «Ӯзбекистон табиати»
16.45 «Тасаввур ранглири»
17.00 «Абзор»
17.15 «Олтин мерос»
17.20 «Жаран»
«Болалар сайраси»
17.40 «Эрталаклар - яшалликка етдилар»
17.55 «Изир»
18.00 «Сизнинг адвокатингиз»
18.05 «Ҳ» Т/с.
18.50 «Бир кун»
19.15 «Онамлар оғузида»
19.25 19.55 20.55 21.30 Эълонлар.
19.30 «Абзор» Т/с.
20.05 «ТВ шафқор»
20.10 «Анечк ёлгон». Т/с.
20.50 «Менг бир ривоят»
21.00 «Абзор»
21.35 «Муаллиф кадрлар»
21.55 «Сўнгги қиролча». Т/с.
22.55 «Йилги»
23.00 «Кўшиқимиздан, кўрабдот». /SMS/
23.15 «Йили тақдир». Т/с.
23.55-00.05 Туғди наволар.
«LzbeKastan»
00.05 Курсатувлар дастури.
00.10 «Ортин буйлаб» дастури: «Кўпол мери»
00.15 «Муаллиф кадрлар»
00.55 «Олтин мерос»
01.00 «Абзор» Т/с.
01.35 «Ватанпарвар»
02.25 «Миллион»
02.45 «Миллион» Б/ф.
04.00 «Абзор»
04.30 «Менг бир ривоят»
04.35 «Олтин мерос»
04.45 «Ӯзбекистон табиати»
05.05 «Ҳ» Т/с.
05.45-05.55 Тонги наволар.



16.55 «Ватани менг»
17.00 «Тошкентим, онам!»
17.10 «Ёшлар йили»
17.20 «Соғлиқ-бойлик»
17.40 «Келажак эгалари»
17.55 «Тугдири наслати»
18.00 «Йили тақдир»
18.15 «Йили» аналитика.
18.20 «Уфқ левичи». Т/с.
18.50 «LzEX хабарлари»
18.55 «Тошкент-2000».

ДУШАНБА — 19 МАЙ

19.00 «Давр»
19.30 «Алия». Т/с.
20.15 «Телехўра»
20.20 «Зўлфия изадролан»
20.30 «ТВ-банк»
20.40 «Ёшлар навои»
21.00 «Тошкент оқоими»
21.10 «Жумгон». Т/с.
21.55 «Эрт тақдир»
22.30 «О. Ёшлигим!»
22.35 «SMS-муноса»
23.00 «Хайт-мамот». Т/с.
23.45 «Таскин»

ТОШКЕНТ

17.50 Курсатувлар тартиби.
17.55 Муаллифлик: «Ип ва Дайт»
18.05 21.50 «Телехўра» - маркат.
18.25 «Билдизим»
18.30 «Ҳойтахт»
18.50 «Эсомердала». Т/с.
19.20 «ТВ юркт»
19.25 «Муслик SMS»
19.50 «Самант бўлаг» Т/с.
20.00 «Ҳойтахт» Т/с.
20.15 «ТВ юркт» Т/с.
20.20 «Милларос» Т/с.
20.50 «Интервью»
21.00 «Жозибат»
21.30 «Ҳойтахт»
21.45 «Улларим»
22.10 «Аёл қалбим»
22.30 «Ҳойтахт» Т/с.
22.45 «Кино SMS со звездами»
22.50 00.20 «Трое и Свяжника»

СПОРТ

7.00 «Бораре утпро»
8.00 «Талим»
8.25 «Малхож +»
9.30 «Версия»
10.00 «Сериял «Татьянин день»»
10.45 «Мир природи». Док.фильм.
11.00 «Баркамол аялод-2008» спорт уявларидан.
12.30 — 13.30 Хоккей. Чемпионат мира. Полуфинал.
18.00 «Спортимиз маликалари»
18.20 «Бизнес-рево»
18.30 «Хабарлар» (рус тили)
18.50 «Муслик тайм»
19.10 «Жди меня»
20.00 «Баркамол аялод-2008» спорт уявларидан.
20.40 «Хабарлар» (узб. тили)
21.50 Хоккей. Чемпионат мира. Финал.
22.50 ЕВРО-футбол. Испания чемпиони.
00.25 «Туғдинос осади бўлони»

БИРИНЧИ

04.00 08.05 Телеканал «Доброое утпро»
04.00 11.00 14.00 Новости
08.25 «Малхож +»
09.25 «Модный приговор»
10.25 «Контрольная закупка»
11.25 «Сериял «Агент национальной безопасности»
12.20 «Детективы»
13.00 Другие новости
13.25 «Понят. Просты»
14.20 «Писатель и женщина». Шоколов - Сидкин
15.00 «Сериял «Огонь холма»»
15.55 «Федеральный судья»
17.00 «Вечерние новости»
17.30 Жди меня
18.10 «Сильд»

19.00 «Сериял «Грандшооса цирка»»
20.00 02.00 «Броун»
20.30 «Сермал «Браты»»
21.30 «Июгда они возвращаотся»
22.25 Владимир Познер и Иван Ургант в проекте «Одноэтажная Америка»
23.15 Ночные новости
23.35 «Им и судьба»
00.20 Х/ф «Позитивный бриллиантов»
02.30 Х/ф «Крейзи»

РОССИЯ

04.00 «Доброое утпро, Россия!»
06.00 «Кремлевские тайны академика Арбатова»
08.50 Т/с «Опера. Хроники убойного отряда»
09.45 16.50 «Вести. Дежурная часть»
10.00 13.00 16.00 19.00 «Вести»
10.25 13.00 «Местное время. Вести - Москва»
10.45 Т/с «Опера. Хроники убойного отряда»
11.40 М/ф «Тайна третьей планеты»
«Пес в сапогах»
13.40 Т/с «Варские игры»
14.35 «Суд мипт»
15.30 Т/с «Кулагин и партнеры»
16.35 «Местное время. Вести - Московская область»
17.05 Т/с «Женщина без прошлого»
18.00 Т/с «Родные люди»
19.30 «Местное время. Вести»
19.50 «Спокойной ночи, малыши!»
20.00 Т/с «Путейца»
21.50 «Горозод»
22.50 «Вести +»
23.10 «Честный детектив»
23.40 «Снежная»
00.10 «Дорожный патруль»
00.30 Х/ф «Человек вне закона»
02.55 «Комната смежк»

НТВ

05.00 «Сегодня утпро»
06.00 «Следствие велит...»
09.00 12.00 15.00 18.00 21.40 «Сегодня»
09.20 14.30 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор»
09.55 «Куликарный поездик»
10.55 «Кавказский фронт»
12.30 Т/с «Аджокат»
15.30 Т/с «Возвращение Мухомора»
18.40 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
19.40 Т/с «Логан за англом»
20.40 Т/с «Позан и порядок»
22.05 Т/с «Славка на изыни»
23.05 «Школа злословия»
23.55 «Quattroolive»
00.30 Х/ф «Вор»
02.20 Т/с

КУЛЬТУРА

06.00 Канал «Баронети»
09.00 18.30 22.30 «Новости культуры»
09.20 «В главной роли...»
09.40 00.35 Программа паредни.
09.50 Х/ф «И некоторые позбегали к немку»
12.05 «Питие измерение»
12.40 Фильм-спектакль «Сказовая лянча»
14.10 Д/ф «Ано-Ланкар. Право на лучшее жилие»
14.25 Д/ф «Академическое дело»
14.55 «Порядок слов»
15.00 М/с «Новые включения мидевожика Паддингтона»
15.20 М/ф «Лиска на шведоде»
15.30 «Ады ворзела»

16.00 Д/ф «Джузеппе Гарибальди»
16.05 Д/с «С Тилии вокуру света», 1 с.
16.35 «Планицаи судьби». Н. Пловиджак.
17.00 Д/ф «Ичен-Итла. Тайна гибели миян»
17.15 «Достоиние республики»
17.30 «БлонНЮТ»
18.00 «Ночной полет»
18.55 Д/ф «Удовисица, с которми мы встретились», ч. 1.
19.50 Д/с «Рухосиди не горат...»
20.20 «Острова»
21.05 «Тайны забытых побед» «Буря»
Приказано уничтожить»
21.35 «Тем временем»
22.50 «Мелодия степка»
22.55 «Про АРТ»
23.30 «Экология литературы»
23.55 Д/ф «Михаил Литвяков. Один день и все жиня...»
00.40 Д/с «По следам Александра Болмоого», 1 с.
01.40 Д/ф «Ичен-Итла. Тайна гибели миян».

СТС

07.00 М/с
08.00 11.30 16.00 Т/с «Моя прекрасная няня»
08.30 20.00 Т/с «Палины дожи»
09.00 21.00 Т/с «Я лелю»
10.00 01.00 История в деталях.
10.30 Т/с «Кто в доме хозяйка?»
11.00 17.30 «Галилео»
12.30 Т/с «Дочка-матери»
13.30 Т/с «Пала на все руки»
14.00 М/с
17.00 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма»
18.30 Т/с «Герои»
19.30 «Бродяги»
22.00 Т/с «Сердцедади»
22.58 «Сказки»
23.00 Х/ф «Факултет»
01.30 «Слова богу, ты пришлел»
02.45 Т/с

НТВ3

07.00 М/ф.
07.45 М/с
09.15 М/ф.
10.00 16.00 Т/с «Баффи - истребительница вампиров»
11.00 Х/ф «Мояжя. Смертельный разпор»
13.00 «Синал бедствия» выл. 2.
14.00 18.00 Т/с «Завезенье вранца»
15.00 «Мистика звезда», выл. 10.
17.00 «Унчл», 60 с.
19.00 Т/с «За гранью возможного»
20.00 Т/с «Кости»
21.00 Д/ф «Тайные знаки»
22.00 Х/ф «Бойни в Парто Валларта»
00.00 Т/с «За гранью возможного»
00.10 Х/ф «Восстание ил ара 3. Ади земля»

НТВ4

05.00 Т/с «Любовь и тайны Санкт Бичи»
05.55 Глобальные новости.
06.00 12.30 18.00 Такси.
06.30 М/с «Ох, уж эти детки»
07.00 18.30 Москва: инструкция по применению.
07.30 «Нобялсинома, но факт»
08.30 23.25 Т/с «Саша + Маша»
09.00 09.30 17.00 19.00 19.30 Т/с «Счастливы вместе»
10.00 М/с
12.00 Т/с «Каврисса»
13.00 Т/с «Женская лига»
13.30 20.00 22.55 «Дом 2»
14.30 Х/ф «Иридна Фомкс и последний ерестовой поход»
17.30 Т/с «Гуминоиды в королевев»
21.30 Комедия «Гент Кодек Бонкс»
23.55 Нашк ресми.
00.05 Клуб быжшик жан.
01.05 Драма «Про урооде и людей».

OLYMPIA

5.55 Курساتулар дастури.
6.00 «Салом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»
7.05 «Икки тақдир» Т/с.
7.45 «Дилкуш наволар»
8.00-8.30 «Абдорот»
8.30 «Олтин мерос»
8.35 «Уч» Т/с.
9.15 «Изор»
9.20 «Ўзбекистон табияти»
«Болалар сайраси»
9.40 «Ула, Ила, Тон!»
10.20 «Картосқанлар ва аждархо» М/с.
10.35 «Осиёна тилдола»
10.55 «Сизнинг адвокатингиз»
11.00 «Абдорот»
11.10 «ТВ шафқор»
11.15 «Аччиқ ёлгон» Т/с.
11.50 «Абдорот» /инглиз/
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Икким»
13.05 «Сунги қиролчи» Т/с.
14.00 «Абдорот»
14.20 «Олтин мерос»
14.25 «Олам ва одам» дастури: «Кушлар ҳақида ҳақиқат»
15.15 «Интеллектуал ринг»
16.00 «Муҳаддас қадимжолар»
14.30 «Спец репортаж»
15.00 Serial «Жасига ўхшаши йўк» 140-серия
15.30 Мультфильм
17.30 «Топ-10»
18.30 Serial «Жасига ўхшаши йўк» 141-серия
19.00 Serial «ПАРИЖДАГИ МУХАББАТ» 13-серия
21.30 Serial «24 часа»
22.20 Киноколлекция: «АФЕРА» X/ф.
00.50 Миксер

Пайшанба

22 мая
07.00 08.30 14.00 17.30 21.00 Ўзбек навалари
08.00 Serial «Жасига ўхшаши йўк» 141-серия
09.30 Serial «Париждаги

МУХАББАТ» 13-серия
10.50 Мировые хиты
11.30 «Афера» X/ф.
14.30 «Премьера» (узб)
15.00 Serial «Жасига ўхшаши йўк» 141-серия
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Terra Landiya»
18.30 Serial «Жасига ўхшаши йўк» 142-серия
19.00 Serial «ПАРИЖДАГИ МУХАББАТ» 14-серия
20.30 «JannatMakon»
21.30 Serial «24 часа»
22.20 «ТРЕНИРОВОЧНЫЙ ДЕНЬ» X/ф.
00.40 Миксер

Жума

07.00 08.30 13.50 18.00 Ўзбек навалари
08.00 Serial «Жасига ўхшаши йўк» 142-серия
09.30 Serial «Париждаги МУХАББАТ» 14-серия
10.50 Мировые хиты
11.30 «Тренировочный день» X/ф.
14.25 «Топ-10»
15.00 Serial «Жасига ўхшаши йўк» 142-серия
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 «Премьера» (рус)
18.30 «Жасига ўхшаши йўк» 143-с.
19.00 Serial «ПАРИЖДАГИ МУХАББАТ» 15-серия
20.30 «Тунлар муборак»
21.30 Serial «24 часа»
22.20 «МИСС КОНГИЕНАЛЬНОСТЬ» X/ф.
00.30 Миксер

Шанба

07.00 15.00 18.30 21.00 Ўзбек навалари
08.30 Мировые хиты
9.30 «Мисс конгенальность» X/ф.
11.40 Мировые хиты
12.00 Baby hits
12.30 Мультфильм
14.30 Мировые хиты
16.00 Семейное кино: «НАС ПРИНУДИЛИ» X/ф.
18.00 Prime time (узб)
20.30 Мировые хиты
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 Бомбастеры по выходным: «ТОЧКА ОБСТРЕЛА» X/ф.
23.40 — 01.10 Другая музыка

Якшанба

07.00 11.10 16.40 18.30 20.00 21.00 Ўзбек навалари
08.30 Мировые хиты
09.00 Prime time (узб)
09.30 «Точка обстрела» X/ф.
12.00 «Baby Terra Landiya»
12.30 Мультфильм
14.30 Serial «Жасига ўхшаши йўк» 139-143-сериялар
18.00 Prime time (рус)
19.00 Мировые хиты
19.30 «ЗВЕЗДОПАД»
20.30 «Кинкурьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.00 Бомбастеры по выходным: «СОКРОВИЩА НАЙДУИ» X/ф.
00.20 Миксер

RTR SPORT**Душанба**

05.40 Футбол. Премьер-лига.
07.45 10.00 12.55 16.35 21.45 02.05 «Вести-спорт»
08.00 09.05 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф «Маугли», «Лука»
09.15 «Мир детского спорта»
09.45 «Мастер спорта»
10.10 «Вести-спорт. Местное время»
10.20 «Рыбалка с Радзинским»
10.35 13.05 Хоккей. ЧМ.
15.25 22.10 «Футбол России»
16.50 Дневни ЧМ по хоккею.
17.20 Футбол. ЛЧ. 1/2 финала.
«Ливерпуль» (Велик.) - «Челси» (Велик.)
19.40 Футбол. ЛЧ. 1/2 финала.
«Барселона» (Испания) - «Манчестер Юнайтед» (Велик.)
23.15 «Надежда спорта»
00.20 Гандбол. ЛЧ. Женщины. Финал.
02.45 Футбол. Чемпионат Италии.
04.35 «Оборона России». Игорь Колодинский и Дмитрий Барсук.
05.05 Футбол. Премьер-лига.

Сешанба

07.00 «Летогиса спорта». Прощальные матчи советских хоккеистов.
07.45 10.00 13.35 16.35 21.50 02.00 «Вести-спорт»
08.00 09.05 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф «Дедушка и внучек»
08.35 М/с «Принцесса Шехерезада» (Франция).
09.15 Т/с «Большая волна».
09.45 «Мастер спорта»
10.15 «Надежда спорта»
11.15 13.45 Хоккей. ЧМ.
16.00 «Скоростной участок»
16.45 Футбол. ЛЧ. 1/2 финала.
18.55 Футбол. ЛЧ. Финал.
19.50 02.10 Баскетбол. ЧР. Мужчины. Матч за 3-е место.

22.15 Футбол. ЛЧ. Финал.
23.15 Футбол. ЛЧ. 1/2 финала.
«Челси» (Велик.) - «Ливерпуль» (Велик.)
04.05 Гандбол. ЛЧ. Женщины. Финал.

Чоршанба

05.40 Футбол. Премьер-лига. «Томь» (Томск) - ЦСКА.
07.45 10.00 14.05 17.05 21.50 02.20 «Вести-спорт»
08.00 09.05 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф «Большая волна»
08.35 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с «Большая волна»
09.45 «Мастер спорта»
10.15 «Футбол России»
11.15 «Скоростной участок»
11.50 14.15 Хоккей. ЧМ.
16.30 «Здоровый образ жизни»
17.15 «Путь Дракона»
17.45 ПБ6. Калла Павлик (СИИ) против Элвиса Миранды (Колумбия).
18.50 Футбол. ЛЧ. Финал. Спец. выпуск.
19.55 Баскетбол. ЧР. Мужчины. Матч за 3-е место.
22.10 01.50 Футбол. ЛЧ. Финал. Спец. выпуск.
23.15 04.30 Легкая атлетика. Международный турнир.
00.40 Автоспорт. ЧМ по ралли. «Ралли Саудия»
01.55 Баскетбол. ЧР. Мужчины. Матч за 3-е место.

Пайшанба

05.40 Футбол. Премьер-лига.
07.45 10.00 14.05 16.45 21.00 05.55 «Вести-спорт»
Пробизнеса.
06.00 09.05 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф «Сингапур»
08.35 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с «Большая волна».

09.45 «Мастер спорта»
10.15 «Путь Дракона»
10.40 Автоспорт. ЧМ по ралли.
11.35 Гандбол. ЛЧ. Женщины.
13.05 Легкая атлетика. Международный турнир.
14.20 Баскетбол. ЧР.
16.00 «Рыбалка с Радзинским»
16.15 00.25 «Точка отрыва»
17.00 Футбол. ЛЧ. Финал.
22.15 ПБ6. Заб Дудла (СИИ) против Мигеля Котто (Пуэрто-Рико).
23.20 «Самый сильный человек»
01.10 «Скоростной участок»
03.40 Спортивная гимнастика. ЧЕ. Мужчины.

Жума

05.45 Баскетбол. ЧР. Мужчины. Финал.
07.45 10.00 13.55 18.40 21.50 01.10 «Вести-спорт»
08.00 09.05 «Зарядка с чемпионом»
08.15 М/ф «Огонь»
08.35 М/с «Принцесса Шехерезада»
09.15 Т/с «Большая волна»
09.45 «Мастер спорта»
10.15 «Точка отрыва»
11.05 «Оборона России». Игорь Колодинский и Дмитрий Барсук.
11.35 14.10 Хоккей. ЧМ. Финал.
16.25 19.55 01.20 Баскетбол. ЧР. Мужчины. Финал.
18.20 «Рыбалка с Радзинским»
18.50 «Самый сильный человек»
22.10 «Вести-спорт. Местное время»
22.20 ПБ6. Умберто Сотто (Мексика) против Бобби Павло (Филиппины).
23.25 Давид. Суперкубок мира.
03.15 Спортивная гимнастика. ЧЕ. Мужчины.
05.10 «Оборона России». Игорь Колодинский и Дмитрий Барсук.

Шанба

05.40 Автоспорт. ЧМ по ралли. «Ралли Сараяна»
06.45 ПБ6. Заб Дудла (СИИ) против Мигеля Котто (Пуэрто-Рико)
08.00 10.00 13.40 16.40 22.35 00.50 «Вести-спорт»
08.10 23.05 Дудло. Суперкубок мира.
10.10 22.55 «Вести-спорт. Местное время»
10.15 «Летогиса спорта». Золотые удачи на корде.
10.50 20.35 Баскетбол. ЧР.
12.50 «Самый сильный человек»
13.50 Футбол. Журнал Лиги чемпионов.
14.25 Футбол. Товарищеский матч. Мексика - Казахстан.
15.58 01.05 Футбол. Товарищеский матч. Молодежная сборная. Россия - Босния и Герцеговина.
16.55 03.05 Гандбол. ЛЧ. Женщины. Финал.
05.00 Фристайл-мотокросс.

Якшанба

05.00 Баскетбол. ЧР.
06.00 10.00 13.55 17.55 21.45 01.25 «Вести-спорт»
08.15 Дудло. Суперкубок мира.
10.10 22.05 «Вести-спорт»
10.15 «Страна спортивная»
10.45 «Здоровый образ жизни»
11.30 Футбол. ЛЧ. Финал.
14.00 Автоспорт. Марсовая серия.
15.20 «Оборона России». Денир Билялетдинов.
15.55 03.30 Футбол. Парвенство России. Первый дивизион.
18.10 Баскетбол. ЧР. Мужчины.
20.00 Дудло. Командный чемпионат Европы.
22.10 01.40 Теннис. Открытый чемпионат Франции.

3. **“Нусхалар” (Число копий)** бўлимида нусхалар миқдори кўрсатилсин

Агар ҳужжатнинг бир нечта нусхаси чоп этилаётган бўлса, чоп этишни нусхаларга ажратиб ёки ажратмасдан қилиш мумкин.

9-дарс учун амалий топшириқлар.

1-топшириқ.

7-дарсда яратилган жадвал асосида амалга оширилади.

1. Жадвалдаги маълумотни сараланг:

“**Номи**” устуни бўйича (ўсиб бориш тартибида).

“**Нархи**” устуни бўйича (камайиб бориш тартибида).

2. Маълумотларни филтрлаш

“**Нарх**” устуни учун қуйидаги шартларни беринг:

- > 100,
- = 500,
- биринчи ўнлик.



Давоми бор.

КОМПЮТЕР САБОҚЛАРИ



Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда «Xabar» газетаси тахририяти

(Давоми. Аввали газетанинг 9, 13, 14, 15, 16-сонларида.)

8-дарс. Маълумотларни диаграмма шаклида акс эттириш

Excel дастурида ячейкага киритилган рақамли маълумотлар график ёки диаграмма кўринишида ифодаланиши мумкин.

Диаграмма маълумотлар даражаларини кўрсатувчи ва таққослашни осонлаштирувчи ва ифодаловчи восита, маълумотномада қонунийликни ва муайян бир йўналишни аниқлашда осонлик яратиши мумкин. Масалан, варақда бир нечта устун рақамларнинг ўрнига диаграммага қараб сотиш ҳажмининг квартал бўйича ўсиши ёки пасайишини, ҳақиқий сотиш ҳажми режалаштирилгани билан тўғри келиш-келмаслигини билиш мумкин.

Диаграмма тури бўйича стандарт ва ностандарт ҳамда ясси ва бўртма турларга бўлинади.

пазон устунлари” (Столбцы диапазона) қаторини белгилаб қўямиз ва “OK” тугмасини босамиз.

Қаторларни саралаш:

1. Сараланиши керак бўлган катаклар қаторини кўрсатинг.

2. Асбоблар панелидаги **“Ўсиб бориш тартибида саралаш” (Сортировать по возрастанию)** ёки **“Камайиб бориш тартибида саралаш” (Сортировать по убыванию)** тугмаларини босинг.

Қаторларда 2 ёки 3 та устун бўлганда саралаш:

Сараланаётган рўйхатдаги устунлар номга эга бўлиши лозим.


1. Керакли катакларни танланг.
2. **“Маълумотлар” (Данные)** менюсида **“Саралаш” (Сортировка)** бўлимини танлаймиз.
3. **“Аввал” (Сортировать по)** ва **“Сўнгра” (Затем по)** бўлимларида саралаш керак бўлган устунларни кўрсатинг.
4. Қолган саралаш параметрларини танлаб, **“OK”** тугмасини босинг.

Филтрлаш

Бу кўпдан-кўп маълумотларни қидириш ва улар устида иш олиб боришнинг энг тезкор ва осон усулидир. Филтрланган рўйхатда фақат танлов шартларига жавоб берувчи устунларга ўрнатилган қаторлар акс эттирилади. Microsoft Excel рўйхатни филтрлаш учун 2 усул тақдим этади:

• **Автофилтр** содда филтрлаш, яъни сиз фақатгина сараланиши лозим бўлган катакларни кўрсатасиз;

- маркерлар рангини ўзгартириб кўринг;
 - круговая: ҳар бир бўлакни жойидан силжитиб кўринг;
 - ҳар бир бўлакнинг номи бўлсин;
 - рангини ўзгартириб кўринг.
6. Диаграммаларни алоҳида варақларга сақлаб қўйинг.
7. Варақларга ном беринг.
8. Жилдни сақлаб қўйинг.



9-дарс. МАЪЛУМОТЛАРНИ САРАЛАШ ВА ФИЛТРЛАШ

Аввалги қабул қилинган саралаш услуги:

Ўсиб бориш тартибида саралашда Microsoft Excel куйидаги тартибдан фойдаланади (камайиб бориш тартибида булар тесқарисига алмаштирилади ва бўш катаклар қаторнинг охирига жойлаштирилади).

Диаграммани яшаш

1. Диаграмма учун керак бўлган маълумотларни белгилаб олинг.
2. "Стандартная" асбоблар панелидан "Мастер диаграмм" тугмасини босинг.
3. Очилган рўйхатдан диаграмма турини танланг.
4. Устун ва қаторлардан маълумотлар жойлашувини аниқланг.
5. Диаграммани номланг.
6. Диаграммага легендани ўрнатинг (ихтиёрий).
7. Диаграммани алоҳида ёки кўрсатилган вараққа жойлаштиринг.
8. Легенда – имзо, диаграммадаги турли хил кўрсаткичларни аниқлаш (ранг) қаторлар ёки диаграммада маълумотлар категорияси ва айнан маълумотлар қатори ҳақидаги маълумот ойнаси.

8-дарс учун амалий топшириқлар.

1-топшириқ.

1. 7-дарсдаги топшириқда яратилган жадвалнинг "Номи" ва "Кирим-сони" устунлари асосида бир неча кўринишдаги диаграмма ясанг.
2. Диаграмманинг номини "Кирим" деб қўйинг.
3. Легендани кўшинг, уни диаграмманинг ўнг тарафида жойлаштиринг, рақамларни ўнлик каср кўринишида акс эттиринг.
4. Диаграммани жадвал жойлашган жилдда, янги варақда сақланг.
5. Маълумотлар қаторини безанг:
· график: чизиклар рангини, турини, қалинлигини ўзгартириш;

2

- **Кенгайтирилган филтрлаш**, бунда мураккаб шартлар тизими қўлланилади.

Филтрлашнинг саралашдан фарқи шундаки, у рўйхатдаги ўрнини ўзгартирмайди. Филтрлаш жараёнида керак бўлмаган қаторлар вақтинча яширин ҳолатга ўтади.

Microsoft Excel филтрлаш давомида саралаб олинган қаторларни таҳрирлаш, филтрлаш, чоп этиш ва шулар асосида қаторларнинг тартибини ўзгартирмасдан ва уларни силжитмасдан диаграммалар яратиш мумкин.

Автофилтр

Автофилтр буйруғини ишлатаётган пайтда филтр қилинаётган устун рўйхатининг ўнг томонида автофилтр стрелкалари пайдо бўлади.

Фойдаланувчи филтри у ёки бу маълумотга эга бўлган қаторларни чиқаришга хизмат қилади. Уни устун учун бир нечта шартларга жавоб берувчи қаторларни акс эттиришга қўллаш мумкин. масалан, фақат маълум оралиқдаги сонлар.

Чоп этиш:

1. **"Файл"** менюсида **"Чоп этиш" (Печат)** бўлимини танланг.
2. **"Чоп этиш оралиги" (Вывести на печать)** бўлимида чоп этиш учун керакли бўлган параметрларни танланг:
 - Актив варақни
 - Белгиланган варақларни
 - Қоғозда белгиланган катаклар оралигини
 - Бутун жилдни

7

Рақамлар:

Рақамлар сараланиш жараёнида энг кичик сондан бошлаб, юқори сонга қараб сараланади.

Турли хил маълумотларни саралаш: Харфли-рақамли саралаш:

Харфли ва рақамли маълумотларни саралаш натижасида Microsoft Excel ҳар бир қаторнинг белгиларини чагдан ўнг томонга қараб солиштиради. Масалан, катакда A100 ёзилган бўлса, Microsoft Excel бу катакни A1 катагидан кейин, лекин A11 катагидан олдин жойлаштиради.

	A
1	A1
2	A100
3	A11
4	
5	

Саралаш қуйидаги тартиб бўйича амалга оширилади: 0 1 2 3 4 5 6 7 8 9 (оралик)! « # \$ % & () * , . / : ; ? @ [\] ^ _ ` { | } ~ + < = > A B C D E F G H I J K L M N O P Q R S T U V W X Y Z A B V G D E E Ж З И Й К Л М Н О П Р С Т У Ф Х Ц Ч Ш Щ Ъ Ы Ь Э Ю Я

Саралашда аポストрофлар (') ёки дефислар (-) инobatга олинмайди. Истисно – икки катак матни фақат бошида қўйилган ушбу белгилар мавжудлиги билан фарқ қилинса, бундай катак қатор охирига жойлаштирилади.

Мантиқий қийматлар:

- ЁЛФОН (ЛОЖЬ) мантиқий қиймати РОСТ (ИСТИНА) мантиқий қийматидан олдин қўйилади.

4

Хато ҳисобланган қийматлар:

- Барча хато ҳисобланган қийматлар ўзаро тенгдир.

Бўш катаклар:

- Бўш катаклар ҳар доим қатор охирида жойлаштирилади.

Саралашдан олдин қуйидаги нарсаларга эътибор бериш лозим:

1. Бир қатордаги маълумотлар бир форматда бўлиши лозим.
2. Яширилган қатор ва устунларни ўз ҳолатига келтириш лозим.
3. Матн бошида оралиқлар бўлса, уларни ўчириб ташлаш лозим.
4. Устунлар номи фақат битта катак ичида бўлиши лозим. Агар ном бир нечта қаторда бўлиши лозим бўлса, унда **"Сўзлар қаторини ўтказиш" (Перенос по словам)** функциясини ёқиш лозим.
5. Тил ва стандартлар созланмаларини текшириш лозим. Саралаш тартиби тил созланмаларига боғлиқ.


Устун бўйича саралаш:

1. Сараланаётган катаклар рўйхатини белгиланг.
2. "Маълумотлар" (Данные) менюсидан "Саралаш" (Сортировка) бўлимини танлаймиз.
3. "Параметрлар" (Параметры) тугмасини босамиз.
4. **"Саралаш" (Сортировать)** бўлимида **"Диа-**

5

MAGISTR MINBARI

Хозирги кунда таълим жараёнида интерфаол усуллар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда.



Инновацион технологиялар — давр талаби

Бунинг сабабларидан бири шу вақтгача аънавий таълимда ўқувчи ва талабалар фақат тайёр билимларни эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларини ҳам ўзлари чиқаришларига ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахнинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади ва шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик функциясини бажаради. Таълим жараёнида ўқувчи ва талаба асосий шахсга айланади. Шунинг учун олий ўқув юртиларидан малакали касб эгаларини тайёрлашда замонавий ўқитиш усули ҳисобланган интерфаол усуллар, инновацион технологияларнинг ўрни ва роли бениҳоят каттадир. Педагогик технология ва педагогик маҳоратга оид билим, тажриба ва интерфаол усуллар ўқувчи, талабаларнинг билими, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосий интерфаол усуллардан тўлиқ фойдаланилади. Интерфаол методлар — бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юрилади, яъни у педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунининг таркибий қисми ҳисобланади. Уларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи ҳамда талаба-

ларнинг биргаликда фаолият ўрсатиши орқали амалга оширилади. Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар қиради:

- ўқувчи, талабаларни дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этиши;
- ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишлар доимийлигини таъминлаши;
- уларнинг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;
- педагог ва ўқувчи, талабаларнинг доимо ҳамкорликдаги фаолияти ташкиллаштирилиши.

Ўқитувчи ҳамда талабаларнинг мақсад бўйича натижага эришишлари учун қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, бунда ўқувчи ва талабаларнинг билим доираси, гуруҳ характери, шароитига қараб ишлатиладиган технология танланади. Масалан, натижага эришиш учун, балки, компютер билан ишлаш лозимдир, балки филм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва ўқувчи, талабага боғлиқ. Бундай ўқитиш жараёни олдиндан лойиҳалаштириш зарур, бу жараёнда ўқув предметининг ўзига хос томони, жой ва шароитини, ТСО-ЎТВ ўқитишнинг технология воситаларини, энг асосийси, ўқувчининг имко-

няти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишни ҳисобга олиш керак, шундагина, керакли кафолатланган натижага эришиш мумкин. Қисқа қилиб айтганда, ўқувчи ва талабаларни таълимнинг марказига олиб чиқиш керак. Ўқитувчи ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиши керак. Бунда ўқитувчидан бўлажак дарснинг технологик харитасини тўзиб олиш талаб этилади. Ҳар бир дарс учун харита ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусияти ўқувчи ва талабаларнинг имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ахборот технологияларидан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп усулларни билиши керак бўлади. Дарснинг технологик харитасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда эгт андан бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши зарур. Технологик хаританинг тузилиши ўқитувчини кенгайтирилган консепт ёзишдан халос этади. Хўлоса қилиб айтганда, инновацион технологиялар ўқитиш сифатини кескин юксалтиришга имкон беради.

Азизжон ХУСАНОВ,
ТАТУ 2-босқич магистри

Замонавий усул

Малакали кадрлар тайёрлаш муаммосини ҳал этиш йўлларидан бири мазмуни ва тузилиши жиҳатидан мутлақо янги бўлган, замон талабларига жавоб берадиган ўқув адабиётларидан таълим жараёнида фойдаланиш, машғулотларни таълимнинг нозъанавий усулларида олиб бориш, бунинг натижасида талабаларни ўқитувчининг фаол ҳамкорига айлантиришдир. Алоқа соҳасида махсус фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Барча мавзуларни ҳам нозъанавий усулда ўтказиб бўлмайди. Ўқитувчининг маҳорати шундаки, ҳар бир мавзу учун ўзига хос усулни танлай билсин, техник воситалардан ўринли фойдалана олсин. Алоқа соҳасида махсус фанларни ўқитиш жараёнида "Ақлий ҳужум", "Муаммоли ўқитиш" усулларидан, "Бумеранг", "Чархпалак", "Лойиҳа", "Блиц" каби ўйин ва бошқа технологиялардан фойдаланиш талабани мустақил фикрлашга, тенгдошлари билан ҳамкорликда ишлаш, ўзгалар фикрини ҳурмат қилишга ўргатади. Масалан, "Алоқа тармоқлари назарияси" курсидан "Компютер тармоқлари ва унда ишлаш асослари" мавзусини ўтишда ўқитувчи проектор орқали экранга мавзуга доир слайдларни тушириб, тармоқ, тармоқларнинг синфлари, тармоқ сервислари, тармоқларни боғлаш учун қўлланиладиган кабелларнинг турлари ҳақида тушунтиради. Мавзуни мустаҳкамлаш учун "Чархпалак" технологиясини қўллаш мумкин. Бунда талабалар кичик гуруҳларга бўлиниб, "Берилган тармоқларнинг қайси синфга тааллуқлилигини аниқланг", — деб ёзилган тарқатма материаллар билан таъминланади. Талабалар берилган тармоқларнинг номлари қайси тармоқ синфига (5та синф номи келтирилади) тегишли эканлигини (+) белги қўйиб аниқлайдилар. "Резюме" технологиясини қўллаш натижасида "Тугунларни тармоққа улаш усуллари" (тармоқ технологияларини) бири бири билан таққослаб, уларнинг қайси бири афзаллиги ҳақида мустақил хўлоса чиқариш имкониятига эга бўладилар.

Муҳайё САЛИҲОВА,
ТАТУ 2-босқич магистри

Таълим жараёнида масофадан ўқитиш

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да таълим беришда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишга алоҳида урғу берилган. Ахборот технологиялари ёрдамида олиб бориладиган таълим йўналишларидан бири бу — масофадан туриб ўқитишдир.

Унда компютер, мультимедиа ва интернет технологияларини қўллаган ҳолда масофадан туриб тингловчиларга ўқув материаллари осон, тушунарли тарзда, кам харажатлар эвазига етказиб берилади. Масофавий таълим — ўқувчиларга ўрганилаётган материалнинг асосий ҳажмини кулай кўринишда етказиб бериши, ўқитиш жараёнида ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг интерфаол алоқаларини, талабаларга ўргатилаётган фанни мукамал ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имконини бериши ҳамда ўқиш жараёнида уларнинг олган билимларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўпламидир. Ушбу тизимнинг ўзига хос

хусусиятлари мавжуд. Булар: эркин жадвал асосида ва параллел ўқитиш имкониятининг мавжудлиги, таълим муассасасининг қаерда жойлашганлиги мўҳим аҳамият касб этмаслиги, ўқитишнинг қатъий шакли мавжуд эмаслиги, билимларни сиртдан назорат қилиш имконияти, ўқув-услубий материалларни алмашишнинг қулайлиги, таълим муҳитида ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини жадаллаштириш имконияти борлиги. Масофадан таълим олишнинг бир қанча моделлари (бирламчи, иккиламчи, аралинг, консотиум, франчайзинг, валидация, узоқлашган аудиториялар ҳамда лойиҳалар моделлари) ишлаб чиқил-

ган бўлиб, улардан ўқув юртининг шарт-шароитига, давлатнинг географик жойлашуви, мамлакатда ахборот технологияларининг ривожланиш даражаси, ихтисослаштирилган мутахассислар ва мамлакатнинг таълим соҳасидаги стандартларига кўра фойдаланилади. Таълимнинг ушбу моделлари аънавий сиртдан ўқиш, малака ошириш, иккинчи мутахассислик ва ўқув юртидан узоқлашиб ўқишда, айниқса, қўл келади. Масофадан таълим беришда унинг мукамал ишлаб чиқилган тизими бўлиши шарт. Бу тизимда асосан масофавий таълимнинг барча ташкилий, молиявий-иқтисодий, техникавий ва методологик муаммолари ечилади. Шу ўринда айтиш жоизки, масофавий таълимда талабанинг ўқиши, имтиҳон топириш жараёнини назорат қилишда мукамал ишлаб чиқилган технологияларга асосланиш керак. Масофадан ўқитишда ўқувчининг ўқишини назорат

қилиш, мураккаб мавзу ва саволлар бўйича маслаҳатлар бериб туриш, назорат ишлави ва тестларни текшириш, мустақил ишлашнинг барча босқичларида имтиҳонларга тайёрланишга ёрдам бериш каби вазифаларни амалга ошириб борадиган ўқитувчи-масолаҳатчи-тўрога бириктирилиб қўйилади. Ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги ахборот алмашиши масаласи алоқа воситалари ёрдамида амалга оширилади. Бу борада Тошкент ахборот технологиялари универститети ҳам илмий-услубий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳозирда университет ва унинг филиаллари ўртасида алоқа ўрнатилган бўлиб, айрим фанларни ўқитишда масофавий қўлланилган фойдаланилмоқда. Бу борада университетнинг илмий ходимлари назорати остида магистрлар кўплай илмий ишлар қилмоқдалар.

Шаҳзод РИЗАЕВ,
ТАТУ магистри

МА'NAVIYAT

Бундан қарийб қирқ йилча илгари Тошкентдан Фарғона Давлат университетига ишга юборилган эдим. Ҳақиқат пайтларда туғилган кунлар, турли байрамлар ва бошқа тағналар муносабати билан одамлар бир-бирларига китоб совға қилишни энг яхши одат деб билишган (афсуски, ҳозир бу анъана унутилиб кетаётганга ўхшайди).

Китобни совға сифатида қабул қилиб олганлар эса унга алоҳида эътибор бериб, эсдалик рамзи сифатида асраб кўяр эдилар.


Менга ҳам кўплаб китоблар совға қилишган. Айниқса, шогирдларимдан бири Махмуджон Абдуллаев Абдулла Ориповнинг «Онажон» номили шеърини тўпламини совға қилганида жуда хурсанд бўлганман ва қирқ йил илгариги бу воқеа ҳанузгача сира эсимдан чиқмайди.

Тўпладан жой олган «Темир одам» сарлаҳали шеър мазмунига эътибор беринг: бир олим оддий темирдан ақл-заковатли «одам» (робот) ясади. Шоир «темир одам»нинг ақлига тан беради, лекин унинг қалби йўқлигига куюнади ва ақл-заковати бўлсада, қалби йўқ тирик темирга айланганлар атрофимизда кўп-ку, дея китоб қилади: «Эй устоз, темирдан одам ясабсиз, у шахмат ўйнашни биларкан, шеър ёзиш ва мусиқа яратиш қўлидан келар экан. Лекин бошқа-бошқа фазилатлари бўлса ҳам, у қалби йўқ темир-ку. Ақл-заковатингизни темирдан одам ясашга сарф қилмасдан, балки темирга айланиб кетган қалбсиз одамларни қайтадан жонли одамларга айлантиришга сарф қилсангиз бўлмасмиди!».

Москвада ўқиб юрган пайтимда менга рус олими В.Налимовнинг «Тилинг нисбий модели» номили китобини совға қилишганди. Унда сўзнинг қудратли кучи таърифланиб, қуйидаги ҳаёлий мисол келтирилган: Бир ўзга сайёралик Ерга таширф буюриб, ҳаётимизни кузатибди, маданиятимиз ҳамда тарихимиз билан танишибди. Ергада ҳаётни, бўлаётган воқеаларни ўзича тушунган бу махлуқ ўз сайёрасига таассуротлари ҳақида қуйидагича хабар берибди: «Ер юзида галати жонзотлар яшар экан, улар ақли мавжудотлар бўлиб, ўзларини «инсон» деб аташаркан. Бу инсонлар оддий бўлмаган, ақл бовар қилмайдиган мураккаб бир нарсани ўйлаб топшибди, яъни «сўз»ни кашф қилишибди. Лекин ўзлари мана шу кашфиётнинг шафқатсиз исканжасига тушиб қолишибди. «Сўз» улар устидан ҳукмронлик қилишга эга бўлибди, яъни сўз билан бола туғадилар, сўз билан тарбия қиладилар, сўз билан руҳий тушқунликка дучор бўладилар, сўз билан рағбатланадилар, сўз билан курашадилар. Сўз билан уларнинг жамиятида улуг қурилишлар содир бўлади. Сўз учун кишилар ҳатто урушга отланадилар. Хуллас, ҳамма нарса сўз билан ривож топадиган давр келибди. Бу эса сўзга ва унинг кучига бағишланган мадҳия, яъни бу инсонни болалигидан ўзига бўйсундиришнинг қуролидир».

Албатта, сўзнинг куч-қудратини маъ-

Эсдалик рамзи



қуллаш билан бирга, «инсон сўз исканжасига тушиб қолди» деган фикр-хулосани тўғри деб бўлмайди. Чунки инсон сўзнинг эмас, балки ўз ёвузлиги ва жоҳилона фикр юритишининг исканжасига тушиб қолган бўлиши мумкин, холос. Демак, мураккаб кашфиёт бўлиб туялган «Сўз» аслида инсонга Аллоҳ томонидан инъом этилган неъматдир. Шундай қилиб, тил фақат ўтмиш ёки ҳозирги даврнинг нодир ҳодисаси бўлибгина қолмасдан, келажакка интилган инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳаётини такомиллаштирувчи қудратли омил ҳамдир.

Узоқ йиллар давомида тилимиз лойқаланганиги сир эмас. Фарзандларимизнинг миллийликдан узоқлашганини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Ёш олим Сиддиқ Мўминнинг сўзлашиш одоби, суҳбатдош бўлишнинг ўзига хос сир-синоатлари ҳақидаги «Сўзлашиш санъати» номили китобини ўқиб, сўзлашиш маданияти борасида дунёда бизга етадиган миллат йўқлигига ишонч ҳосил қилдим.

Шу ўринда бу китоб ёшларимиз учун муҳим қўлланма эканлигини таъкидлаган бўлардим. Ушбу китоб менга қаттиқ таъсир қилган. Негаки, ҳаётим давомида яхшилик, меҳрибонлик фазилатларини ўзимга касб қилишга қанчалар уринмай, барибир ўзбекона урф-одатлардан хийла узоқлашганимни сездим. Кўп йиллар Москва шаҳрида яшаганим учун бирор киши билан сўзлашсам фикримни русча сўзларни қўшиб

ифодалашим камчилиги эканлигини тушундим. Ўзбек миллатига мансуб одам нафақат тилни, динни билиши, балки миллий тилнинг гўзаллиги, кучи ва нафислигини юракдан ҳис эта олиши лозим экан. Аминманки, «Сўзлашиш санъати» китобини ўқиган ёшлар унинг тарбиявий томонига эътибор

берадилар ва ўзларидаги нуқсонларни бартараф этиб, сўзлашиш маданиятидан сабоқ оладилар.

Дарвоқе, Сиддиқ Мўмин яқин-яқинларда Фарғона давлат университетига докторант бўлиб юрган эди. Кейинчалик суриштирсам, у мен ўзим бир пайтлар ўқитган талабанинг шогирди бўлиб чиқди. Бехос ўтган йиллар ёдимга тушди. Қизиги шундаки, бундан қарийб қирқ йил илгари шогирдим совға қилган «Онажон» тўплами билан шогирдимнинг шогирди ёган «Сўзлашиш санъати» китоби ўртасида узвий боғлиқлик бор эди. Бу бахтли тасодиф эканлигини сездим.

Сиддиқ Мўмин бугун эҳтиром билан устоз дея менга аталган китобга дастхат тақдим қилгани ҳам ҳаётимдаги бахтли тасодифлардан бири бўлди. Шундай қилиб, «набира шогирдим»дан чин дилдан севиндим.

Талабаларимдан бири 2006-2007 ўқув йилида менга «Богатый папа, Бедный папа» номили китобини совға қилди. Бу китоб қандай қилиб бойиб кетиш мумкин деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилади. «Бой дада»ни жавоби — пул бу ҳокимликнинг бирдан-бир кўринишидир. Лекин фақат унинг ҳаракат қилиш вазифалари сирли характери билан ва молиядан маълумоти бор киши пулнинг куч-қудратига эга бўлиб, уни бошқариш қўлидан келадиган ва ўзини бой қила олади.

«Камбағал дада» эса, нега сен бой эмассан, деган саволга — мен ўқитувчилик қилишга қарор қилганман, ўқитувчилар эса бой бўлишни ҳаёлига ҳам келтирмайди, улар фақат ўқитишни истайдилар, дея жавоб беради.

Лекин бизнинг ўзгарувчан дунёмизда қандай ҳодиса юз бермасин, ҳар бир киши бойликка бўлган ўз муносабати ва ўз қадрият тизимига эгадир. Шунинг учун қандай қилиб бойиб кетиш мумкин деган саволга ҳеч ким тўлиқ жавоб беролмайди, фақат умумий кўрсатмалар бериши мумкин. Аммо шунини айтиш керакки муваффақиятга эришишнинг энг муҳим йўли — бу ўз кучига, билимига ишонишлиқдир.

Шер МУСЛИМОВ,
ТАТУ «Иқтисодиёт назарияси»
кафедрасининг доценти

Хикмат

Ҳар ким айбсиз дўст қидирса — дўсти камайиб қолади,
дўстларини ранжитаверса — душмани кўпаяди.

BU — QIZIQ

- Миянинг шиддат билан ривожланиш жараёни 2дан 11 ёшгача бўлган даврда кечеди.
- Инсондаги ҳид билиш рецепторининг умумий майдони 5 кв. см, итларда 65 кв. см, ақулада эса 155 кв. см.
- 100 пибла қаҳва кетма-кет ичилса, инсон ўз ҳаётига нуқта қўйиши мумкин.
- Инсон юраги бир кунда 100000 мартадан кўп уради.
- Биринчи географик глобус Нюрнбергда сақланади. У географ М.Бехайм томонидан тайёрланган.
- Инсон мияси умр охиригача (қариллик ёшигача) 150 триллион бит ахборотни сақлаб қолади.
- Кабатур йўлини аниқ топа олиш қобилиятига эга. У ҳаттоки, 500 км.лик масофадан келган йўли бўйлаб орта қайтиши мумкин.
- Инсон дунёга келган заҳотиёқ миясида 14 миллиард катакча мавжуд бўлади. Лекин улар кўпаймайди, аксинча 25 ёшдан сўнг бир кунда 1000 мартагача қисқара бошлайди.



НИКМАТ

ДЎСТИНГ КИМЛИГИНИ АЙТ...

Моҳир бир овчи ўрмонда ов қилиб юрганида айқиннинг бўқирган овозини эшитиб қолди ва ёрдамга шошилди. Бориб қараса, улкан бир аж-даҳо айқинга ҳужум қилаётган эди. Йиғит қиличи билан аждаҳони ўлдириб, айқини қутқариб қолди. Шу-шу айқиндан бир қадам ҳам айрилмайдиган бўлди.

У йиғитга қўл каби боғланиб қолди. Бир қанча вақт ўтиб, йиғит хасталанди. Айқиндан кўрган муруввати сабаб ёнидан кетмас, елиб-югуриб унинг хизматини қиларди. Бир кун ақлли бир дўсти овчини кўргани келди ва унга:

— Эй биродар, қалайсан? Ёнингдаги бу айқинг нима? — деди.

Бемор йиғит бўлиб ўтган воқеани айтиб, «Шу боис бу айқин менга содиқ дўст бўлиб қолди», деди. Доно дўсти:

— Дўстим, айқинга кўнгли болама! Аҳмоқнинг дўстлиги балодир. Оқил душман нодон дўстдан яхшидир. Қўй, шу дўстингни бошингдан йироқ тут. Шундай қилсанг, хайри бўлади, — деди.

Бу сўз хастага ёқмади. Дўстидан юзини бурди. Дўсти такрор шитмос қилди:

— Эй дўстим, аҳмоқларнинг дўстлиги фожеа келтиради. Сенга ҳасад қилганимдан эмас, хавотир бўлганимдан айтяман. Айқинларни эмас, инсонларни дўст тут, — деди.

Хаста эса: — Эй ҳасадгўй! Ўз ишингдан қолма! Бу насихатингни ўзгага қил, — деди.

Дўсти заҳардай аччиқ бу сўзни ичига ютиб, унинг ёнидан узоқлашди.

Айқин хастанинг чивинларини кўриб ўтирарди. Қайсар чивинлар хастанинг юз-кўзларига қўниб, гинғиллашарди. Айқин бемор йиғитнинг оромини бузётган чивинларни ўлдиршига қасд қилиб, катта бир тошини олиб келиб, беморнинг бошига урди. Касал тил тортмай ўлди. Бу масал оламга ёйилиб, барчага ибрат бўлди.

SPORT

ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ
ЧОРАК ФИНАЛДА



Таиландда бўлиб ўтаётган футзал бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаб, чорак финалга йўл олди.

Дастлабки ўйинда Петров шогирдлари Малайзия футзалчиларига қарши майдонга тушиб, йирик 10:0 ҳисобида зафар кўчди. Хуршид Тожибоев ўйинда хет-трикка эришган бўлса, Илҳом Юсупжонов (2та), Николай Одушев, Умид Холматов, Фаррух Фархутдинов, Баҳодир Аҳмедов ва Шухрат Тожибоевлар ҳам рақиб дарвозасини ишғол этишга муваффақ бўлишди.

Иккинчи учрашувда Жанубий Корея устидан ғалаба қозонилди – 4:3. Учрашувда Фаррух Фархутдинов ва Николай Одушевлар иккитадан тўп киришти, терма жамоамизнинг муҳим ғалабасига ҳисса қўшишди.

Гуруҳнинг сўнги баҳсида терма жамоамиз Ливан термасини 5:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу учрашувда киритилган голларга Фулом Мамажонов, Фаррух Фархутдинов, Дилшод Ирисалиев (2та) ва Илҳом Юсупжоновлар муаллифлик қилишди.

Терма жамоамиз чорак финалда Хитой термасига қарши майдонга тушади.

ХУРМАТЛИ
ХАМШАҲАРЛАР!

Сиз хизматда, сафарда, меҳмонда, оромгоҳларда, кино ва театрда, кундалик ташвишлар билан юрган пайтингда хонадонингиз ва мулкнингиз жинорий тажовузлардан ҳимоя қилиниши, дахлсизлиги таъминланишини истайсизми?

Марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ҳузурдаги Қўриқлаш бошқармаси ва туман Қўриқлаш бўлиmlарига мурожаат қилинг!

Улар сизнинг хонадонингизни қўриқлаш ва ёнғиндан хабар бериш техника воситалари билан жиҳозлаб, қўриқловга олади ва ишончли қўриқловни таъминлайди.

Мурожаат учун телефонлар:
233-01-44,
233-37-83, 234-01-69.

Жорий йилнинг 5-8 май кунлари мини-футбол бўйича «Ўзбектелеком» АК кўчма кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда компания ҳамда унинг таркибидаги филиал ва корхоналар жамоалари иштирок этишди.

КЎЧМА КУБОК
“НАМАНГАН ТЕЛЕКОМ” да



Анъана тусини олган ушбу мусобақа қизиқарли вазиятлар ва ажойиб натижаларга бой бўлди. Бу йилги турнир Ёшлар йилига бағишланди.

Ўз гуруҳларида юқори ўринларни банд этган тўрт жамоа ярим финалга йўл олди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда «ШАК» жамоаси «Қорақалпоқ Телеком»га қарши майдонга тушди. Учрашувда устунлик қорақалпоғистонлик алоқачилар томонида бўлди:

«ШАК» — «Қорақалпоқ Телеком» — 1:5.

Мусобақанинг финалида сўнги пайтлардаги доимий рақиблар — «ТШТТ» ва «Наманган Телеком» жамоалари

ўзаро куч синашди. Наврўз байрами арафасида Самарқандда ўтказилган «Дўстлик» кубоги финалида ҳам айнан ушбу жамоалар рўбарў келишган ва унда пойтахтлик алоқачилар голиб бўлишганди. Бу сафарги учрашувда «Наманган Телеком» реванш олиш имконига эга бўлди ва шиддатли кечган баҳсда ғалабани ўз томонига оғдирди.

«ТШТТ» — «Наманган Телеком» — 3:4.

Мусобақа якунида голиблар турли қимматбахо совғалар ҳамда дипломлар билан тақдирланди. Совғаларни «Ўзбектелеком» АК бош директори Ҳаким Муҳитдинов топширди.

“ЗЕНИТ” — УЕФА КУБОГИ СОҲИБИ!

УЕФА кубогининг 2008 йилги соҳиби аниқланди. Англиянинг «Сити оф Манчестер» стадионида бўлиб ўтган финал беллашувда 48 минг мухлис қўллаб-қувватлаши остида Россиянинг «Зенит» ва Шотландиянинг «Глазго Рейнжерс» жамоалари ўзаро куч синашди.

Хўш, ким кучли? Барҳорги мавсумни жўшқин, ишончли ўйинлари билан ўтказиб Испания, Франция ва Германиянинг номдор жамоаларини доғда қолдирган «Зенит»ми ёки метин ҳимоясини бу йил ҳеч ким забт эта олмаган «Рейнжерс»ми — барчани қизиқтирган ягона савол шу эди.

Ўйин худди қутилганидек, жуда юқори суръатда ўтди. Қарши ҳужумларга бой учрашувда дарвозабон ва ҳимоячиларнинг маҳоратигина узоқ вақт ҳисобнинг очилмай туришини қафолатлади. Фақат 72-дақиқага келиб ўйинда бурилиш ясалди — якунда финалнинг энг яхши ўйинчиси деб топилган Андрей Аршвин рақиб дарвозабони билан яккама-якка чиққан жамоадоши Денисовни ажойиб тўп билан таъминлади. Ёш зенитчи имкониятни бой бермади ва тўпни дарвоза тўрига жойлаштириб қўйди. Шотландларнинг сўнги ҳужумлари фойда бермади, аксинча, Дик Адвокат шогирдларининг ғалабага бўлган интилишлари шунчалик кучли эдики, улар зафарни қафолатловчи иккинчи голни ҳам кириштишга муваффақ бўлишди. Шундай қилиб, «Зенит» ўз тарихидаги энг катта ғалабасига эришди.

«Зенит» — «Глазго Рейнжерс» — 2:0
Голлар: Денисов, 72; Зирянов, 90+4.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХҲАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлигида 0016 рақами билан
рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтариқмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда «Хабар»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶
Реклама матнларининг тўричилиги таҳририят жаобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

453-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табақ.
Алали: 12356 нусха.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслимдин БҲРИЕВ.
Матн терувчи: Диффуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.
1 2 3 4 5 6 3

2008-YIL — YOSHLAR YILI

Талаба ёшларга танлаган касблари бўйича ҳар томонлама чуқур билим бериш, улар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, Ва- танга садоқат руҳида тарбиялаш ўқитувчи-мураббийларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Тошкент ахборот технологиялари университетиди бу борада турли маънавий ва маърифий тадбирлар, адабий кеча ва учрашувлар ўтказиш аънана тусини олган. Шунингдек, университет ва талабалар тураржойидаги "Маънавият ва маърифат" хоналарини зарур газета-журналлар, адабиётлар, компютер, телефон, телевизор билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина жорий йилнинг 1-чорагида талабаларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини янада юксалтириш, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш борасида кўплаб тадбирлар ўтказилди. Жумладан, талабалар тураржойи ва ўқув гуруҳларида ўтказилган маънавият соатларида мураббийлар ёшларни президент асарлари, ҳуқуқат қарорларининг мазмун ва моҳияти, улардан келиб чиқадиган вазифалар билан таништириб бордилар. Республикамиз ва дунёда юз бераётган муҳим янгиликлар ҳафталик тўплами тайёрланиб, гуруҳ мураббийларига тарқатилди ва мураббийлик соатларида талабаларга таништирилди.

"Демократик тараққиёт: хавфсизлик, барқарорлик ва инсон ҳуқуқлари", "Ўзбек халқи ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайди ҳам", "Инсонпарварлик бизнинг бурчимиз", "Динлараро бағрикенглик – миллий ғоямиз", "Дин – маънавият ва қадрият сифатида", "Халқаро терроризм, диний экстремизм тараққиёт душмани" мавзуларидаги суҳбатларда талабаларимиз фаол иштирок эттишти. Бу каби тадбирларимизда ҳуқуқ-тартибот тизими ходимлари, диншунос олимлар, мутахассисларнинг иштироки муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбе-

Қудратли куч

Маънавиятли ёшларни тарбиялаш шарафли бурчимиз



кистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида ҳам университет хотин-қизлар кўмитаси бирмунча ибратли ишларни амалга ошираёттир. Бунда университет ректори томонидан тасдиқланган иш режаси кўл келяпти. Режада кўрсатилган барча тадбирлар Юнусобод тумани ҳокимлиги ва турли муассасалар билан ҳамкорликда ўтказиб келинмоқда. Хусусан, талабалар тураржойида "Ёшлар орасида чекиш, гиёҳвандлик, алкоголь истеъмол қилишнинг зарари" ҳамда "Йод танқислиги ва унинг асоратла-

ри", "Гепатит ва тиф касалликларининг асоратлари" мавзуларида суҳбатлар ўтказилди.

Юнусобод тумани ҳокимлиги билан биргаликда ўтказилган "Зулфияxonим қизлари" кўрик-танловида тумандаги барча ўқув юрларининг қизлари бешта номинация бўйича беллашишди. Университет ҳудудида яқин жойлашган "Хиёбонтепа" маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси билан ҳам мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жорий йил бошида ўқув даргоҳимизда "Олимпиада аёлларнинг фан ва техника тараққиётида тутган ўрни" мавзусида анжуман ўтказилди. Бу, албатта, университетимизда меҳнат қилаётган хотин-

қизларнинг хизматларини эътироф этиш йўлидаги ибратли тадбирлардан бири бўлади, дейиш мумкин.

"Ёшлар йили давлат дастури"да белгиланган берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ТАТУнинг Ёшлар йилида амалга оширилган тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унинг ижроси университет Маънавият ва маърифат маркази, факултетлар деканлари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилоти томонидан мунтазам назорат қилиб борилмоқда. Ана шу режадан ўрин олган талабаларнинг бадиий-эстетик онгини шакллантириш, мумтоз ва замонавий санъат дурдоналари билан таништириш вазифасини амалга ошириш мақсадида талабаларимизнинг Темуррийлар тарихи, Қатагон қурбонлари, Олимпия шон-шухрати, Ўзбекистон тарихи давлат музейлари ҳамда театрларга саёҳатларини уюштирдик. Шунингдек, талабалар тураржойидан ташқари, хусусий уйларда ижарада яшовчи талабалар турмуш тарзидан хабардор бўлиб туриш ва уларнинг машғулотлардан бўш вақтларини самарали ўтказиш мақсадида ана шу талабалар ҳақида факултетлар томонидан компютерда "Маълумотлар банки" тузилган. У доимий равишда қайта қўрилиб, ўзгаришлар билан тўлдириб борилади. Ижарада яшовчи талабалар аҳолидан мураббийлар ҳар ойда хабар олиб, турмуш тарзи билан танишиб боришлари йўлга қўйилган.

"Тарбия бизлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё наш – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир", деб ёзган эди буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний. Дарҳақиқат, таълим-тарбия ёвузликни енга оладиган, мамлакатни раванқ топтирадиган, ёшларни йўлга соладиган қудратли кучдир. Маънавиятли, маърифатли ёшларни тарбиялаш борасида бор кучимизни аямая меҳнат қилиш бизнинг шарафли бурчимиз.

**Неъматилла МЎМИНОВ,
ТАТУ Маърифат ва маънавият
ишлари бўйича проректори**

TURMUSH SHORRAHALARIDA

ЯХШИЛИК НИХОЛИ

Тошкент шаҳрида буйрагимдаги тошни операция қилиб олиб ташлашди. Шиғокорлар жавоб беришгач, уйга қайтиш учун чўнтагимда фақат икки минг сўм қолибди, холос. Наилож, "Отчопар" бозоридаги автобекатга бориб автобусда ўтирган ёш йигитчадан операция қилинган ярани кўрсатиб, вазиятни тушунтирдим. У менга жаҳл билан қараб автобусни бўшатишни талаб қилди. Унинг қўпол муомаласи дилимни ҳуфтон қилди. Бир чеккага бориб ўтириб алашимдан, иложсизлигимдан ўқиб-ўқиб йиғладим. Бир маҳал қарасам, бўйчан, сариқдан келган йигит билан боғия ёш болакай мен томонга қараб суҳбат қуришаётган экан. Мен уларга диққат билан назар солдим. Уларнинг имо-ишорасидан билдимки, болакай қорнини ушлаб, бир нарсаларни тушунтирди, сўнг ёнимга югуриб келди ва автобусга тақлиф қилди. Мен истар-истамас орқасидан эргашдим. Чунки ярим соатча илгари дағал муомала қилган болакайнинг инсофга киргани мени таажубга солди.

Автобус зинапоясига қадам ташлашим билан ҳайдовчи — новча йигит мен билан кўчоқ очиб саломлашиб, автобус ўртароғидан жой кўрсатди. Бир томондан ҳадик, иккинчи томондан дилимдаги ишончсизлик ичимни тирнарди.

— Ассалому алайкум, музикант ака, келинг мана сизга жой, бу ёқларда нима қилиб юрибсиз. Мен сизни танийман, боғчамизда аккордеон, пианино чалиб, бизларни ўйнатардингиз. Ҳамма гаплардан хабарим бор. Сиз бемалол дам олаверинг, ҳозир юкларни жойлаб бўлишим билан кетамиз.

Кўларимдан ёш тирқираб кетди. Бу боғчадалиқ пайтида юрагига ўзим эккан ниҳолнинг меваси эди.

Раҳимжон БОЛТАБОЕВ

Табриқлаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси Корашина, Бешкент, Китоб, Муғлош ва Муборак почта алоқаси тармоқлари иш юритувчи муҳандислари — Қурбоний Эшбоева, Гулноза МАМАТКУЛОВА, Замира Шарипова, Муқаддам ЖҲРА-ЕВА ҳамда Феруза Файзуллаеваларни таваллуд топган кунлари билан муборакбод этади. Уларнинг ишларида ривож тилайди.

"Фаргона Телеком" филиали жамоаси Бағдод телекоммуникациялар боғламаси катта муҳандиси Абдуваҳоб НАЗАРОВНИ 55 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриқлайди. Унга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар орзу-ҳавасини кўришлигини тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фаргона филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабамаси кўмитаси жамоалари Данғара почта алоқаси тармоғи Ганжиравон алоқа бўлими хабарчиси Муроджон ТУРСУНОВНИ 55 ёшга, Яйпан почта алоқаси тармоғи Кўшқўноқ алоқа бўлими бошлиғи Ҳасанжон АЗИЗОВ ва Воқил почта алоқаси тармоғи ходими Буроба ЗИБИДДИНОВАларни 50 ёшлари муносабати билан чин дилдан қўтлайди. Уларга саломатлик, бахт-саодат, хонадонларига тинчлик-омонлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабамаси кўмитаси жамоалари Қумқўрғон почта алоқаси тармоғи бошлиғи Хуррам РАҲИМОВ ва Жарқўрғон туманидаги 4-Жарқўрғон алоқа бўлими хабарчиси Абдурашид ТУРАЕВЛАРНИ таваллуд кунлари билан табриқлаб, мустаҳкам соғлиқ ҳамда оилавий тинч-тотувлик тилайди.

"Сурхондарё Телеком" филиали жамоаси етакчи мутахассис Наргиза ҚАРШИЕВА ҳамда филиал ҳисобчиси Зулфия ПЕРЕПЕЧАЙЛАРНИ туғилган кунлари билан муборакбод этади.

"Ўйи-Термиз" филиали жамоаси филиал ходимлари — Гулистон СОБИРОВА, Адхам ТЕШАБОВЕВ ва Тўлқиной БЕКМУРОДОВАЛАРНИ туғилган кунлари муносабати билан чин дилдан табриқлайди. Уларга узоқ умр, соғлиқ, ишларига зафарлар тилайди.

Азиз муштарийлар!
«Хабар» газетасига обуна давом этмоқда.
Нашр кўрсаткичи — 228

